Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 1996 йил, 10 январь • №2 (248)

Аҳолига нефть маҳсулотларини ўз муддатида, эҳтиёжига яраша етказиб берилишида автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларининг зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Ўз ишларининг удасидан чиқаётган Фарғона вилояти нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси тасарруфидаги АЁҚШ-лар орқали аҳолига 290 миллион сўмлик автобензин сотилди.

Корхона вилоятда пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олинишида муносиб ҳиссасини қўша олди. Нефть базаларида техник қоидаларга риоя қилинган ҳолда ёнғинга қарши чоратадбирлар ўз вақтида қурилган. Жумладан, Олтиариқ нефть базасида 1600 куб метрлик сиғим қурилиб, ишга туширилди. Фурқат нефть базасида эса сиғимларга нефть маҳсулотлари қуйиш қувурлари қайта таъмирланди, тарқатиш эстакадалари кенгайтирилди. Қува нефть базаси эса йилига 25 минг тонна нефть маҳсулотлари тарқата олиш қувватига эга бўлиб, иш шароитларини яратиш ҳамда ёнғиннинг олдини олиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Суратларда:

Қува нефть базасининг умумий кўриниши.

Бензин қуйиш оператори Абдуллажон ҒАНИЕВ.

Ш.ОЛИМОВ сурати.



ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. ЖАМОЛОВ билан мулоқот

— Муҳтарам Ҳулкар Баҳодировна, Янги йилнинг дастлабки кунларида ўтган йили босиб утилган йўлга назар ташлаб, унга баҳо бериш фойдадан ҳоли эмас. Шу маънода фикрларингизни билишни истардик...

— Ҳақ гап. Ҳамиша маълум бир вақт оралиғида бажарилган ишларни сарҳисоб қилиб, келажак режаларини аниқлашнинг амалий нафи кўп. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, 1995 йил халқимиз, мамлакатимиз учун қанчалик мураккаб бўлмасин, у билан мамнун хайрлашиш учун етарли асосларга эгамиз. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида салмоқли ижобий ўзгаришлар юз берди. Республика Президенти бошчилигида ҳукуматимиз, халқимиз танлаган ва узимизгагина хос бўлган ислоҳотлар йули бераётган натижалар илк бор кўзга ташлана бошлади.

Жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик, миллатлар тотувлиги билан бирга иқтисодиёт, маданият ва маънавият жабҳаларида ривожланиш суръатлари бир мунча ёркинлашди. Ёқилғи-энергетика саноати, металлургия каби саноатнинг етакчи соҳаларида салмоқли ўсишлар кўзга ташланди. Умуман, янги йил бўсағасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Мажлиси 4-сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичини жуда чуқур таҳлил этиб берганлиги менинг вазифамни бир мунча енгиллаштиради деб уйлайман.

— Дарвоқе, яхши эслатдингиз — Олий Мажлис сессиясида жуда муҳим масалалар кўриб чиқилди, муҳими қонунлар қабул қилинди. Шулардан Сиз учун энг муҳим ҳақида нима дея оласиз?

— Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, гуллаб яшнаётган давлатни бунёд этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳаммамизга маълум. Ўтган сессия ҳам худди шу руҳда ўтди. Касаба уюшмалари Республика ташкилоти раҳбари сифатида мен учун «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси»нинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Унинг 1971 йилда қабул қилинган ўтмишдоши маъмурий буйруқбозлик тизими, тоталитар давлат ҳамда шу давлат мулки монополияси манфаатларига хизмат қилишга буйсиндирилганди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари тобора кескин тус олаётган, турли мулк шакллари вужудга келиб, иш берувчилар ва ёлланма меҳнатчилар ўртасида янгича муносабатлар ҳаётга чуқур сингиб бораётган ҳозирги шароитда эски Меҳнат кодекси мутлақо давр талабига жавоб беролмай қолганди...

— Ҳулкар Баҳодирович, янги Меҳнат кодексини Олий Мажлис муҳокамасига тайёрлаш жараёнлари депутат сифатида бевосита Сизнинг кўз ўнгингизда ва фаол иштирокингизда ўтгани аниқ. Шу жараёнлар хусусидаги фикрларингизни ҳам ўртоқлашсангиз...

— Аввало шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мутахассислари Меҳнат кодекси лойиҳасини тайёрлаш буйича ишчи гуруҳи таркибида фаол қатнашдилар, Меҳнат ва Адлия вазирликлари билан ҳамкорликда кодекснинг кўп моддалари ишлаб чиқилди.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Меҳнат кодекси лойиҳаси барча касаба уюшмалари ташкилотларида муҳокама қилинди ва асосан маъқулланди. Шу билан бирга Федерация номига кўплаб аниқ таклифлар, фикр-мулоҳазалар таҳририй тузатишлар киритилган хатлар келди. Улар Федерация кенгашида умумлаштирилди. 150 тага яқини Олий Мажлиснинг тегишли комитетига юборилди. Улар лойиҳанинг сунгги таҳririда эътиборга олинди.

Биз Меҳнат кодекси лойиҳаси билан кўпгина қушни республикалар касаба уюшмалари марказларининг раҳбарларини ҳам таништирдик.Бизнинг кодексимиз улар томонидан ҳам меҳнат муносабатларида демократик тамойилларга, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига мос келадиган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Олиб борилган катта ташкилий ишлар туфайли ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларида — ишга қабул қилиш, меҳнаткашларга қулай иш шароитлари яратиш, уларга иш ҳақи тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва шунга ўхшаш қатор ижтимоий масалаларни ҳал қилишда касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакилликлари ваколати, роли ва масъулияти анча юқори погонага кўтарилди.

Кодексга жамоа шартномалари ва битимлар тўғрисидаги махсус бобнинг киритилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ҳукумат, давлат ва ҳўжалик органлари, талбиркорлик тузилмалари билан касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилик тамойилларига амал қилган ҳолда иш олиб боришига яхши асос булади.

Айниқса кодекснинг 48-моддасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида тузиладиган бош келишув кўпгина ривожланган демократик давлатларда қўлланиладиган уч томонлама ижтимоий шерикчилик муносабатларини бизда ҳам жорий этишга имконият яратади. Бу халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясига ҳам мосдир.

— Сўнгги савол: 1996 йилдаги режалар, Республика касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалар нималардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайсиз?

— Юртбошимиз Олий Мажлис сессиясида, мамлакатимиз аҳлига йўллаган Янги йил табригида таъкидлаганидек, 1996 йил халқимиз ҳаётида чуқур ижобий ўзгаришлар йили бўлади. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳар бир меҳнат кишиси, фуқаро нечгича фикрлаш, тафаккур юритиш, ишлаш ва яшашга ўргангандагина ютуқларимиз чинакам салмоққа эга бўлади. Республика касаба уюшмалари ўзининг бош вазифаси — меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини изчил ва қатъият билан ҳимоялашда юксак самарадорлик учун курашадилар. Ижтимоий кучлар ўртасидаги янги муносабатлар асосида уч томонлама шерикчилик — иш берувчилар, ишловчилар ва ҳукумат ўртасида мамлакат умумий истиқболи манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликни мустаҳкамлаб, халқимизни тезроқ фаровонлик йўлига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшишга эришамиз.

Янги йилга режалаштирган катта ишларимизнинг муҳим йўналиши — меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини согламлаштиришдан иборат. Яқиндагина бўлиб ўтган Федерация кенгашининг мажлисида бу масалани атрофлича муҳокама қилиб олдик. Унда бир қанча вазирликлар, жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раҳбарлари иштирокида санаторийлар, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийларда меҳнаткашлар согликларини тиклаш, ёзги оромгоҳларда болаларни дам олдириш, уларнинг соғлом ўсишларига кўмаклашиш, бунда спорт муассасаларидан тенг фойдаланишни йўлга қўйиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларни изчил ва собитқадамлик билан амалга оширишга эришиш касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ишончини оқлашида яна бир муҳим қадам бўлади.

«ҚИЗИМНИНГ ҚЎЛИДАН ДЎППИ КИЙГИМ БОР»

-қисқа интервью-

Бугунги суҳбатдош - «Андижонтранс» ҳиссадорлик жамияти раиси муовини Қодиржон Мансуров.

- Кузатилган йилга табассум билан қул силкий оласизми?

- Ҳа, албатта. Чунки жамоамиз ҳаётида биронта нохуш воқеа содир бўлмади, кўпчиликнинг раҳматини олдик. Ҳисоблаб кўрсак, бир йилда 190 миллион кишини ўз манзилига етказибмиз. Гарчи бултур бор-йўғи 19 та янги автобус олган бўлсакда, йўловчиларни бекатларда зориқтириб, саргайтириб қўйганимиз йўқ. Сабаби, 1995 йил жамоамизда таъмирлаш йили, деб эълон қилинди. Автобусларни ҳуда-беҳуда яроқсиз деб ҳисобдан чиқаришга шошилмадик. Имкони борича таъмирлаб, созлаб ишлатдик.

Вилоят, шаҳар ва туман автокорхоналари ҳузурида ташкил этилган 8 та кичик корхоналарда ҳайдовчиларимиз учун коржомалар тайёрлади. Бу ҳам тежамкорликда. Халқ эҳтиёжини қондириш диққат марказида тутилаяпти. Қорасув-Тошкент йўналиши буйича мунтазам автобус қатновини йўлга қўйилиши айни муддао бўлди деб ўйлайман.

Йил давомида бизда ишлаётганидан нолиган, уксиганлар деярли бўлмади. Ижтимоий ҳимояга эътибор кучайтирилди. Хизмат маданиятини ошириш чораларини кўрдик. Элнинг назаридан қолмаслик бош мақсадимиз бўлди. Шукр, бугун юзимиз ёруг...

- Янги йилдан нималарни кутаяпсиз?

- Элга тинчлик, тўкинлик. Йўлларда бахтсиз ҳодисалар рўй бермасин. Шу ҳақда ўйлайман. «Йўловчи» сугурта компаниямиз бор. Унинг бадали жуда оз. Масалан, қайсидир йўналишдаги автобус кира ҳақи 5 сўм 90 тийин, дейлик. Шуни 6 сўм қилиб, 10 тийинини йўловчи ҳаётининг сугуртаси учун алоҳида расмийлаштирамиз. Илоҳим, ўша сугурта пуллари бахтсиз ҳодисаларга эмас, балки ҳаракат хавфсизлигини таргиб этишга, хизмат маданиятини оширишга сарфлансин. Яна бир истагим - енилги таъминотидаги узилишларга чек қўйилиб, автотранспорт корхоналарига тўза ва сифатли бензин етказиб берилса. Ҳайдовчи учун автобус боласидек азиз. Ким ҳам боласига ёмон овқат беришни, истайди, дейсиз...

Қолаверса 5 қизим, 1 ўғлим, уларнинг онаси омон бўлсин. Севара- қизим дўппи тикишга ихлос қўйган. Янги йилда унинг қўлидан бир дўппи кийгим бор...

- Илоҳим, ниятингиз рўебга чиқсин!

Суҳбатдош: З. РЎЗИЕВА, «Ишонч» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар

ЯНГИ ВАЗИР ТАЙИНЛАНДИ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан республика қишлоқ хўжалик вазири Р.Ҳусанов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди ва М.Жуманиёзов Узбекистон Қишлоқ хўжалик вазири этиб тайинланди.

АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН...

Буюк Британия Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазири Малколм Рифкинд республикамизда бўлди. Вазирни Республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Суҳбат чоғида Узбекистон - Буюк Британия ҳамкорлигининг самаралари мамнуният билан таъкидлаб ўтилди, бу дўстлик алоқаларини ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Малколм Рифкиднинг билан Узбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловлар билан ҳамда ва Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология бошқармасида бўлган расмий учрашувлар ҳам самарали бўлди.

Етти иқлим нафаси

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Киевда Украина, Россия Федерацияси ва Америка Қушма Штатлари ҳарбий маҳкамалари раҳбарларининг учрашуви булиб ўтди. РФ Мудофаа вазири Павел Грачев билан АҚШ Мудофаа вазири Уильям Перри ўртасида бўлган музокарадан сўнг Украина мудофаа вазири Валерий Шмарев ҳам иштирок этган уч томонлама музокара бўлди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» режаси доирасидаги масалалар муҳокамасига бағишланган бу учрашувда минтақада хавфсизликни таъминлаш борасида БМТ ва АҚШ тинчликсевар кучлари кўрсатаётган ёрдамга алоҳида тўхтаб ўтилди. Мудофаа вазирларини Украина Президенти Леонид Кучма қабул қилди.

ФРАНЦИЯДА - МИЛЛИЙ МОТАМ

Франция Республикасининг собиқ Президенти Франсуа Миттеран 80 ёшида вафот этди. У Республика Президенти булган 14 йил мамлакат тарихига Франциянинг дунёда тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш йулида катта ишлар амалга оширган даврлардан бири булиб кирди.

Франсуа Миттеран раҳбарлигида Франция мустақил Узбекистонни биринчилардан булиб тан олган давлатлардан бири булди. Франция ва Узбекистон Президентлари бошлиқ давлат делегацияларининг икки мамлакатга узаро ташрифлари халқлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кутарди. Ф.Миттераннинг бу ташрифлар чоғларида қилган маърузаларида узбек халқига, унинг тарихига улкан ҳурмати, мустақил республикамиз келажагига булган ишончи ёркин ифодаланган эди...

Жаҳон ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга кура, Франсуа Миттеранниг жасади бугун - 10 январь, пайшанба куни дафн этилади. Бу кун Францияда миллий мотам куни деб эълон қилинди.

ЙИЛНИНГ ХАЛҚАРО КИШИСИ

АҚШдаги Америка биография институти ва Кембриж (Буюк Британия)даги Халкаро биография маркази ҳар йили ўз фаолияти билан жаҳоннинг ҳамма мамлакатларига дохлдор кишиларни махсус уквон билан тақдирлаб келмокда.

Мазкур нуфузли унвонларга бу йил Бошқирдистон давлат университетининг профессори Карл Минскер муяссар булди. Олимнинг кимё ва полимерлар технологияси ўта тез содир буладиган кимевий жараёнларни бошқаришнинг янги усуллари буйича қўлга киритган ютуқлари уни «1994-1995 йилнинг халқаро кишиси» ва «1995 йил кишиси» унвонларига сазовор қилди.

Жаҳон ахборот маҳкамаларининг хабарлари асосида тайёрланди.

Иқтисодиёт янгиликлари

ЎЗБЕК — ҲИНД ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Бахмал туманидаги консерва заводи базасидан «Анипара Импекс» фирмаси билан ҳамкорликда йилига 5 миллион шартли банка маҳсулот тайёрлайдиган «Бахмал- Инвест Лимитед» ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси барпо этила бошланди. Завод учун зарур асбоб-ускуналар хориждан олиб келинмоқда. Шу кунларда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Қўшма корхона учун «Ангипара Импекс» фирмаси 2 миллион сўм сармоя ажратди.

Жиззах вилоятининг энг чекка тумани ҳисобланмиш Бахмалга, унинг қишлоқларига эндиликда саноат тезкорлик билан кириб бораётирки, бу аввало мустақиллик шарофатидир.

ЯНГИ УН ЗАВОДИ

Қизилтепа туманидаги Тавовит жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган «Мақсуд» кичик корхонаси қошида ун заводи ишга туширилди.

Ушбу завод бир кеча-кундузда 30 тоннагача ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида ишлаб чиқарилган маҳсулот билан аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини етарлича қондиришга ҳаракат қилинмоқда.

ЭНГ ЯХШИ ЙЎЛСОЗ

Фарғона вилоятида, мана ўн йилдирки, сифатли йўл қуриш ишчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ниятида кўрик-танловлар ўтказиб келиняпти. Яқинда Фарғона автомобиль давлат ҳиссадорлик бирлашмаси «Энг яхши грейдерчи», «Энг яхши каток соҳиби» мавзусида кўрик-танлов ўтказди. Қува ва Шаҳрихон автойўли қурилиши танлов манзили қилиб белгинланди. Мусобақа авж олди. Натижада йўл сифатли қурилиб, муддатидан 15 кун олдин фойдаланишга топширилди.

Танловда боғдодлик йўлсоз Эркинжон Усмонов биринчи ўринга лойиқ кўрилди. У уч минг сўмлик мукофотга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин ва икки минг сўмлик мукофот фарғоналик Юрий Колесниккa насиб этди. Учинчи ўрин ва минг сўмли мукофоти Фарғона тумани йўлсози Абдувоҳоб Мадалимовга берилди. Танловда иштирок этган бошқа қурувчилар ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантирилдилар.

Ғолиблар келгуси йил танловига қадар қўшимча 50 фоизда ҳақ оладилар

54 КУНДА БИТГАН ШИФОХОНА

Наманган вилоятида аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Шифохоналардаги ўринлар сони кенгайтирилмоқда, янги шифо масканлари қурилмоқда ва замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминланмоқда. 54 кунда битказилган ўсма касалликлари шифохонаси сўзимиз исботидир. Шаҳарнинг кун ботиш томонида, Оромгоҳ даҳасида, катта Наманган канали бўйида, 5 гектарлик боғи эрамда бунёд этилган ушбу маскан учун яқин 82 миллион сўм маблағ сарфланди.

120 ўринга мўлжалланган мазкур шифохонада даволаш ишларини энг замонавий талаблар асосида олиб бориш учун барча шароит яратилган. Уни Зокиржон Эгамбердиев бошлиқ қурилиш-монтаж бошқармаси ходимлари жамоаси гоят сифатли ало этишга эришди.

Шунингдек, шаҳарнинг Тахтакўприк даҳасидаги Ибн Сино кўчасида ҳам 100 нафар беморга хизмат кўрсатувчи оналар ва болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди.

Касаба уюшма ҳаёти: пленумдан-пленумгача

МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙТИРИЛСИН

Дунёда шундай касб-кор эгалари борки, биз ҳар куни, ҳар сония уларнинг хизматига эҳтиёж сезамиз. Бу - алоқа ходимлари. Ҳар бир нарсанинг ўз йўриги булади. Айтайлик, уйингизда радио ёки телефон ишламаса, почтальон эрта тонг билан эшигингизни қоқиб келмаса, зарур нарсангизни йўқотгандек, бесаранжомланишингиз турган гап. Замонавий алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур сингиб кеттанлиги шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибди. Бу сўзларни бекорга таъкидлаетганимиз йўқ. Алоқа хизмати ходимларининг заҳматли, серташвиш меҳнатини ҳар қанча ардоқласа оз.

Яқинда уларнинг бир гуруҳ вакиллари Алоқа вазирлиги биносига - ўз маъракаларига тўпланиб, 1995 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдилар. Тармоқ олдида турган муаммолар, мавжуд камчиликлар, галдаги режалар хусусида атрофлича фикр юритилди. Зийрак газетхон гап республика алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Қумитасининг II пленуми устида кетаетганини сезган булса керак. Маърузачи - Марказий Қумита раиси Т.Назаржонов тармоқ касаба уюшмаларининг пленумдан пленумгача бўлган даврдаги фаолиятига тўхталарканг, тўпланганлар эътиборини ижтимоий ҳимоя, техника ҳавфсизлиги, ишга ҳақ тўлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ долзарб масалаларга қаратди.

Аввало, ҳисоботда қиесий таҳлилга кенг ўрин берилганлиги ва унда йиғилиш қатнашчилари учун зарур якуний хулосалар чиқарилганлигини таъкидлаш жоиз. Музокаралар, савол-жавоблар ҳам расмиятчиликдан ҳоли булди. Кун тартибига қўйилган масалалар кўпчиликни тўлқинлантираетганлиги пленум мажлисида танқид ва ўзўзини танқид, ишчанлик руҳи устиворлик қилганидан сезилиб турарди. Республиканинг турли бурчакларидан келган ҳамкасблар кўнгилдаги гапларини айтиб,ўз мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ижтимоий йўналтирилган бозор шароитида иш юритишнинг мураккаб жиҳатлари кўп,- дея таъкидлади маърузачи. Шунинг учун Марказий Қумита раёсати ўз фаолиятида Узбекистон касаба уюшмалари ХУ қурултойи қарорларига амал қилиб, республика Алоқа вазирлиги, унинг таркибидаги тузилмалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга. Ҳисобот даврида жамоа шартномалари ва битимларининг ижроси, тармоқда давлат тилини тўлиқ жорий этиш, техника ҳавфсизлиги, алоқа ходимлари касаба уюшма тизимини амалдаги қонунларга мувофиқлаштиришга доир ўндан ортиқ масала урганиб чиқилди ва раёсат йиғилишида муҳокама қилинди. «Меҳнат муҳофазаси тўгрисида»ги қонунни бузганлиги учун 5 раҳбар ходимга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Касаба уюшма фаоллари учун назарий ва амалий ўқувлар ташкил этилди. 17 нафар масъул ходим аттестациядан ўтказилди. Жорий йилдан бошлаб вилоят бирлашган касаба уюшмалари кенгашлари раисларига тармоқ Марказий Қумитасининг вилоятдаги вакиллари мақоми берилдики, бу шубҳасиз уларнинг ваколат доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш диққат марказида. Тўққиз ой ичида биргина Тошкент шаҳри ва вилояти буйича 613 нафар алоқа ходимлари санаторий-профилакторийларда саломатликларини тикладилар.

Очиғини айтганда, амалга оширилган бу ишлар тармоқдаги кўп қиррали вазифалар олдида дарёдан томчи, холос. Маърузада қайд қилинганидек, жамоа шартномаларини бажариш, меҳнат муҳофазаси, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий-иқтисодий ҳимояни ташкил этиш борасида ҳали кўпгина нуқсонлар мавжуд. Алоқачиларни пойафзал, маҳсус кийим-бош билан таъминлаш масаласи икки-уч йилдан бери пайсалга солиб келинаяпти. Текширишлар шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё вилоятларидаги талай электр, телефон ва почта алоқаси корхоналарида иш қониқарсиз ташкил этилган. Белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш, ходимлар учун хавфсиз иш шароитини яратиш, уларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, вақти-вақтида тиббий кўрикдан ўтказишга панжа орасидан қараляпти. Бу соҳаларга бевосита дахлдор бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳўжалик масалалари билан ўралашиб қолиб, уз бурчларини ado этишда сусткашлик қилаяптилар.

«Ўзбекистон почтаси» концерни почтальонларнинг махсус либоси учун 1993 йилдаёқ кўриктанлов ўтказган эди. Аммо ҳалигача қатъий фикрга келингани йўқ.

Электр ва алоқа линияларида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бахтсиз ҳодисаларга йўл қуймасликнинг асосий гаровидир. Афсуски, бу йўналишдаги ишлар мутлақо талабга жавоб бермайди. «Ўзбектелеком» концернига қарашли 181 та тузилмадан 173 тасида хавфсизлик буйича муҳандислар бор, холос. «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекистон почтаси» концерни, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси тизимида ҳам меҳнат муҳофазаси унутиб қўйилмоқда. Маблағ етишмаслиги баҳонасида тармоқдаги бир қатор корхона ва ташкилотларда хавфсизлик масалалари билан шугулланувчи муҳандислар штати қисқартирилган. Бу эса амалдаги қонунларга зиддир.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Шеробод, Қумқўрғон, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Қўрғонтепа, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг қатор туманларида меҳнат қилаётган алоқа монтерлари, кабелчилар ўз вақтида зарур ускуналар билан таъминланмаяпти. Улар ҳозирда фойдаланаётган камар, чангак, индикатор, диэлектрик ва ҳоказолар эскириб, яроқсиз ҳолга келган. Яроқсиз асбоб билан ишлаш кўпгинсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлигини наҳотки мутасадди раҳбарларни ташвишлантирмаса? Ёки айтайлик, Қўрғонтепа туманида тунги сменада ишлаган коммутатор, телеграфчи ва электромеханикларга соатига 23 тийиндан қушимча ҳақ тўланганлигини қандай баҳолаш керак?

Ишни нотўғри ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик оқибатида 1995 йилда тармоқ ходимларидан уч нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Уларнинг оиласига бир йула ун йиллик иш ҳақи миқдорида, жами 278 минг сўм товон пули туланди. Айбдорларга тегишли чора кўрилди. Лекин бу билан энди бирон нарсани узгартириш мушкул. Инсон умрини пул билан улчаб бўлмайди. Юқоридаги фожеалар содир бўлмаслиги мумкин эди-ку?

Алоқа вазирлиги, унинг ҳайъати юқоридаги аччиқ сабоқлардан хулоса чиқариб, меҳнат қонунчилиги, техника хавфсизлигига доир зарур меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, белгиланган тадбирларнинг ижроси устидан қатъий назорат урнатса, мақсадга мувофиқ бўларди. Барча бугинлардаги алоқа ходимларини ижтимоий жиҳатдан кафолатли ҳимоялаш, уларнинг маиший турмуши, яшаши ва меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш жойлардаги мутасадди раҳбарлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши лозим.

Маъруза юзасидан Тошкент телефон-телеграф станцияси бошлиги М.Зоҳидов, Сурхондарё вилояти давлат электр-алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Ш.Ёқубов, «Узбекистон почтаси» концерни раиси Р.Зикиров, Қашқадарё ҳамда Андижон вилоятлари тармоқ бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари Ю. Саркисян, П.Ҳошимов, «Тошкент почтаси» корхонаси бошлиги С.Хатамов, республика алоқа вазири ўринбосари А.Жўрабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, тармоқ фаолиятини яхшилашга оид ўз фикр-мулоҳазаларини баен қилдилар.

Пленумда ташкилий ишлар кўрилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари К.Рафиқов иштирок этди.

Посир ТОШЕВ, «Ишонч» мухбири.

Газетада босилмади, лекин чора кўрилди

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Жиззах вилоятидаги «Галлаорол» агрофирмаси ҳудудидаги Кучарбой қишлоғида истиқомат қилувчи Нафиса Номозованинг таҳририятга шикоят хати келган эди.Унда ёзилишича, ҳўжаликнинг 1-пасълчилик фермаси жойлашган Кучарбой қишлоғида 6 хонали боғча биноси булиб, бу бино 1984 йилдан то 1992 йилгача қишлоқ аҳолисининг фарзандларини тарбиялашда фойдаланилган. Кейинчалик иқтисодий қийинчиликлар туфайли ҳўжалик маъмурияти боғчани ёпишга мажбур бўлган. Бундан фойдаланган фуқаро Ҳасан Тошанов ва Олим Урозбоевларни бинодан чиқиб кетишларини талаб қилдилар. Лекин улар бу талабни эътиборсиз қолдирдилар.

Бу иш билан шуғулланган маъмурий орган ходимлари ҳаракат бошлади-ю, аммо охиригача етказишмади.

Таҳририят аралашуви билан туман халқ судининг қарорига асосан Олим Урозбоев Ғаллаорол агрофирмасига қарашли болалар боғчасининг икки хонасида яшашга ҳеч қандай қонуний асос йуқлиги сабабли бошқа уй-жой берилмасдан кўчириб юборилди. Ҳасан Тошанов эса Узбекистон Республикаси уй-жой Кодексининг 104-113 моддалари талабини бузганлиги учун туман прокуратурасининг 13 декабрь 1995 йилда чиқарилган санкцияси асосида боғча биносидан маъмурий тартибда чиқарилди.

Ҳўжалик маъмурияти бушаб қолган биноларни халқ ҳунармандчилиги буюмларини ишлаб чиқарувчи кичик корхона сифатида фойдаланишга қарор қилди. Нафиса Номозова кичик корхона бошлиги этиб тайинланди.Корхона жамоаси асосан гилам, палос тўқиш, кигиз босиш билан шуғулланади. Кичик корхонада қариб 20 нафар аёл иш билан банд булади.

Алибой ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

Маълумки, республикамиз босқичма-босқич ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиб бормоқда, миллий иқтисод тамойиллари қарор топмоқда. Бундай шароитда Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир». Дарҳақиқат, шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги асрда биз яшамоқчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараққиёт манбаини ташкил этади.

Бундай янгиланиш жараёнида биз учун унча таниш бўлмаган қонун қоидалар, тушунчалар, ҳужалик юритиш механизмлари, усуллари, тамойиллари кириб келмоқда. Мулкдорлар, тадбиркорлар, соҳибкорлар, тижоратчилар, акционерлар, банкирлар, биржа эгалари ва ходимлари, менежментлар, брокерлар ва ҳакозо амалиётчилардан иборат янги ижтимоий гуруҳ қатлам шаклланаяпти. Бозор шароитида янги иқтисодий тушунчаларни, қонун-қоидаларни билиш фақатгина иқтисодчи мутахассислар, бизнесменлар, раҳбарлар учунгина эмас, улар билан бир қаторда меҳнат қилаётган оддий косиб, деҳқон, ишчи, инженер-техник ходимлар, фан-маданият, тиббиёт ва турли хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётган кишилар, талабалар, умуман, барча тоифадаги кишилар учун зарурдир. Чунки бугунги кунда ҳеч ким уз холича фаолият кўрсата олмайди. Аксинча, тадбиркорликка қўл урган одамлар қандайдир даражада бир-бирлари билан боғланган ҳолда иқтисодий алоқада буладилар. Иқтисод сирларини билмасдан туриб фаолият юритиш ҳужасизликка, даромаддан ҳаражатлар ошиб кетишига, охир-оқибатда касодга учраб, хонавайрон бўлишга олиб келади.

Шу зарурияти ҳисобга олиб, «Ишонч» газетаси таҳририяти муштарийларнинг талаб-истакларини ҳисобга олиб, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда газета саҳифаларида янги рукн — «БИЗНЕС КЛУБ»ни ташкил этишга қарор қилди. Бу рукн остидаги мақолаларда ҳозирги ўтиш босқичида бозор муносабатларининг айрим қирралари, тадбиркорлик фаолиятининг табиати, бизнесни ривожлантириш чоратадбирлари каби долзарб масалалар юзасидан мутахассислар, иқтисодчи олимлар, ишбилармонлар, тадбиркорлар, корпорация-фирма эгалари, акционерлик жамоалари ва талабалар узларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

«Бизнес клуб»нинг асосий мақсади республикамизда илк бор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга, бизнес ишига дастлаб қадам ташловчиларга яқиндан ёрдамлашиш, маслаҳат, йўл-йўриқ бериш ва уларни янги иқтисодий сиёсатга тайёрлашдан иборат.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг вазифалари ва бурчлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришга бағишланган мақолаларга ҳам кенг урин берилади.

Муҳтарам газетхон! Клублаги биринчи мулоқотимизни иқтисодий ислоҳотларни бош мақсади саналмиш иқтисодиётни демократиялаштириш — турли мулк шаклларига эга ва иқтисодий қонуниятлар устивор бўлган ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш жараёни тўғрисидаги мақола билан бошламоқчимиз. Зеро, барқарор бозор муносабатларига асосланган жамиятни барпо этиш йўли ҳам шу иқтисодиётни демократиялаш орқали ўтади.

Бизнес клуб

ИҚТИСОДИЁТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Маълумки, жамиятни демократиялаштириш кўп қиррали жараён бўлиб, уни бир мақола хажмида ҳар томонлама ёритиш мумкин эмас. Шунинг учун биз қуйида масаланинг иқтисодий асосларига тўхталишга ҳаракат қиламиз. Авваламбор, демократиялаштиришнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш керак. Демократия сўзи халқ ҳокимлиги деган мазмунга эга бўлиб, жамиятда ҳамма масалани халқнинг ўзи мустақил, конституцияни, қонун-қоидани бузмаган ҳолда ҳал қилишини билдиради. Демократиялаш халқнинг жамиятда содир булаётган ижтимоий иқтисодий, сиёсий воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарай олмайди. Қаерда фаоллик ва жавобгарлик, энг асосийси, манфаатдорлик юқори бўлса, ўша ерда яхши натижаларга эришиши тажрибадан маълум. Бошқача айтганда, зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шароитнинг мавжудлиги тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келади.

Иқтисодиётни демократиялаштиришнинг асосий шартларидан бири жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига эгаликнинг ранг-баранг шакллари ва турларини вужудга келтиришдир. Қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳамма мулк тенг ҳуқуққа эга ва унинг соҳиблари ўз меҳнатларига яраша ҳақ олиш имкониятига эга бўлишлари зарур. Иқтисодиётни демократиялаштириш жараёнида шундай шароит яратилиши керакки, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳусусийлаштиришдан манфаатдорлик даражасининг турличалиги ишга панд бераётир.

Қолаверса, барча мутасаддилар ҳам ўз истиқболини туб ислоҳотлар натижаси билан боғлашга интиляпти, деб бўлмайди. Иккинчидан, қузатувлар шуни кўрсатадики, янги корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш объектив ҳамда субъектив тусиқларга дуч келмоқда. Бу тусиқларни бартараф этиш учун ҳамма бирдек ҳаракат қилиши, айниқса, энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмалари ташаббускор бўлишлари лозим. Зеро, ижтимоий йўналтирилган бозор шароитида меҳнаткаш манфаатлари биринчи даражали вазифадир.

Иқтисодиётни демократиялаштиришнинг муҳим шартларидан яна бири — бозор инфраструктурасини вужудга келтиришдан иборат. Бу борада республикамизда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ва туманларда биржа ва савдо уйлари, турли хил банклар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётни демократиялаш ҳужалик юритувчиларга катта эркинликлар беради, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишни осонлаштиради. Республикамизда бунинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий асослари қатъият билан вужудга келтирилмоқда.

Ишлаб чиқаришга чет эл капиталини жалб этиш, хусусий ҳамда қўшма корхоналар тармоғини кенгайтириш иқтисодиётни демократиялаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг маъноси шундан иборатки, очиқ бозор шароитида ҳеч бир мамлакат ички заҳиралар асосида иқтисодиётни ривожлантириб, жаҳон тараққиёти даражасига кўтарила олмайди. Шундай экан, республикамизга чет эл капиталининг кириб келиши мутлақо табиийдир. Ҳозир хорижий тадбиркорлар, сармоядорлар учун қулай меҳнат шароитлари яратилаётирки, бу иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ички бозоримизни зарур истеъмол моллари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этажак. Умуман, қисқа давр ичида республикамизда иқтисодиётни демократиялаштириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Улар самарасини ўз ҳаётимизда кўриб ва сезиб турибмиз.

Т. ЖУМАҚУЛОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

ТЕХНИКАЛАШАЁТГАН ШИФО МАСКАНИ

Қашқадарё вилоят шикастланган хасталарни даволаш шифохонаси 1974 йилга қадар вилоят марказий шифохонасининг бўлими сифатида фаолият кўрсатиб келган эди. Эндиликда мустақил шифо маскани сифатида иш бошлаган мазкур маскан 1985 йили Қарши шаҳрининг сулим тўшаларидан бирида барпо этилган тўрт қаватли янги бинога кўчиб ўтди. Барча қулайликларга эга бўлган шифохонада тўққизта бўлим, жумладан, ортопедия, болалар ва катталарга мўлжалланган асаб, жарроҳлик, шикастланганлар, куйганлар, юзжағ жарроҳлиги, кеча-ю кундуз тиббий ёрдам кўрсатиш, йиринглли касалликлар бўлимлари иш бошлаш имконига эга булди.

-Шифохонамиз 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда шифо истаб келувчиларга элликка яқин олий ва 250 дан ортиқ ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади,-деб ҳикоя қилади, шифохона бош ҳакимининг даволаш ишлари бўйича муовини, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Шовдулла Жўраев биз билан суҳбатда.- Олий маълумотли шифокорларимиздан олти киши тиббиёт фанлари номзоди, ўн олти киши олий, ўн саккиз киши биринчи тоифали дўхтирлардир.

Шифохона бош ҳакими, тиббиёт фанлари номзоди Йўлдош Очиловнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа фурсат ичида шифохонада янги замонавий асбоб-ускуналарни қуллаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда бу ерда синган суякларни тўғрилашда Елизаров жиҳозлари қуллаш, умуртқа поғонаси муолажасида наркозсиз таҳсис ўтказиш каби мураккаб жараёнлар ҳам муваффақиятли кечмоқда. Бу борада тиббиёт фанлари номзоди Йўлдош Очилов, шикастланганлар бўлими бошлиги Ҳамро Эрназаров, ортопедия бўлими бошлиги Шавкат Эшмуродов, даволовчи шифокорлардан Қўчқор Расулов, Ренат Мусин, Мамат Қалқонов, ҳамширалардан Маргарита Тен, Гулноза Жўраева, Мавлуда Шарипова кабилар беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

Вилоятлардан биринчи бўлиб бу ерда ишга туширилган компьютер томографи ва «Нуклейтом» аппаратлари беморларни дори-дармонсиз даволашда жуда қўл келмоқда. Бир миллион АҚШ долларига харид қилинган мазкур аппаратни машҳур «Суменс» фирмаси ишлаб чиқарган. «Нуклейтом» аппарати эса 58 минг АҚШ доллари эвазига вилоятга келтирилди. Ҳар иккала аппаратни сотиб олиб шифохонага келтиришда вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари катта моддий ва амалий ёрдамлар кўрсатишди. Бу аппаратларнинг ишга туширилиши шифокорлар хизматини енгиллаштириши, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш савиясини оширишдан ташқари, хасталарнинг узоғини яқин, оғирини енгил, мушкулини осон қилди. Чунки, ҳозиргача бу аппаратларда текширувдан ўтиш учун дардмандлар Москвага боришга мажбур эдилар. Эндиликда вилоятнинг ўзида энг қийин кечадиган ташхислар қўйилиши мумкин. Хуллас, авлоднинг саломатлиги йўлида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Нормамат ТОҒАЕВ.

Касаба уюшмаларида

Жиззах вилояти «Маҳаллий саноат, маиший ва коммунал хизмат корхоналари» ходимлари касаба уюшмалари қўмитасининг навбатдаги пленумида ариза ва шикоятлар билан ишлаш, аҳоли талаб ҳамда истакларини қондириш борасида тармоқ касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди. Тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Ўктам Маматқулов шу ҳақда маъруза қилди.

— Ўтган йили қўмитамизга 23 та ёзма, 35 та оғзаки ариза тушди, — дея таъкидлади маърузачи. — Уларнинг деярли ҳаммаси ўз вақтида кўриб чиқилиб, қониқарли ҳал этилди. Аризаларнинг кўпчилиги вилоятдаги «Рустам», «Дурдона», «Дилрабо», «Истиқлол» маиший хизмат кўрсатиш хусусий корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Касаба уюшма аъзолари маошларини ўз вақтида олишга, ишга қайта тикланишларига ёрдам беришимизни сўрашган. Биз бу борада қатъий йўл тутиб, ходимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интиляпмиз.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар тармоқда йўл қўйилган камчиликларни рўй-рост кўрсатиб ўтдилар, ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

* * *

Яқинда Қашқадарё вилоят «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси касаба уюшмаларининг таъсис конференцияси бўлди. Унда вилоят пахта тозалаш заводлари ва корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аҳволи ҳамда Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Конференцияда «Пахтасаноатсотиқ» ҳиссадорлик жамоаси бирлашган касаба уюшма қумитаси тузилди. Илгари «Қаршипахтатозалаш» заводи касаба уюшмаси қумитаси раиси бўлиб ишлаган Саидмурод Раупов бирлашган касаба уюшмаси қумитаси раиси этиб сайланди.

М. КЕНГБОЕВ.

Самарқанд вилояти Оқтош шаҳрида ўтган йилда 20 новвойхона қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Улар асосан аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларда фаолият кўрсатиб, шу ўтган давр мобайнида эл дастурхонига 1600 тоннага яқин 12 турдаги нон маҳсулотлари етказиб бердилар. Корхонанинг уста новвойлари Ахтан Нурмаматов, Тошмамат Халимов, Гофир Исмоилов, Неъмат Ҳайдаров, Абдураҳмон Шамсуддиновлар ёпаётган бурсилдоқ нонларни ҳаридорлар кутишади.

Суратларда: ҳамир қориш цехида. Уста новвой Олим Шониёзов (ўртада) шогирдлари Хусниддин ва Юнус Шониёзовлар билан. Новвой Гулбуви Назарова.

Т.НОРҚУЛОВ олган суратлар.

ЮТУҚЛАР БОР, АММО...

Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши мажлисидан

Яқинда бўлиб ўтган вилоят касаба уюшмалари кенгашининг мажлисида шаҳар, туман ва йирик бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, хўжалик, муассаса, ташкилот раҳбарлари, вилоят агросаноат уюшмаси ва молиявий идораларнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Узбекистон касаба уюшмалари XV қурилтойи қарорлари асосида деҳқончилик саноати ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалашда тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Кенгаш раиси Каримжон Раҳимжонов шу мавзуда маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаб ўтганидек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалаш, уни рўёбга чиқариш ва ҳимоялаш касаба уюшмаларидан катта масъулият талаб этади. Бу борада вилоят деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма ташкилотларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўз атрофига 240 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган 515 бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ана шу эзгу мақсад йўлида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётирлар. Президентимиз томонидан белгиланган беш тамойил қаторига кирувчи меҳнаткашларнинг турмуш шароити пасайиб кетишига йўл қўймаслик, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, умуман, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш, маошларнинг ўз вақтида тўланишига эришиш, согломлаштириш масалалари диққат марказида тутилаётир. 1995 йилда ҳам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, уларга арзон нархларда ун, гуруч, бугдой, гўшт, шоли, усимлик мойи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 11 мингдан ортиқ кишига 1,5 миллион сўм ёрдам пули берилди.

Бандлик дастури асосида фаолият юритилиб, талай кичик корхоналар, янги меҳнат ўринлари ташкил этилянти. Чуст туманида 805 та, Мингбулоқ туманида 163 та, Учқўргон туманида 121 та, тармоқ бўйича жъми 9536 та қўшимча иш жойлари очилди. Чуст туманидаги «Ламобод», Норин туманидаги Шамсиддинов номли жамоа хўжаликларида гишт қуйиш ва кичик винo заводлари, терини қайта ишлаш корхонаси, 3 жойда тегирмон, обжувоз, лимонарий, темирчилик, автомобилларни таъмирлаш цехлари фаолият кўрсатмоқда ва уларда юздан ортиқ киши шуғулланмоқда. Уйчи туманидаги Мўминов номли жамоа хўжалигида палос тўқиш, консерва цехлари, тегирмон ишга туширилди. Омма саломатлигини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида ҳам диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Шу билан бир қаторда маърузачи тармоқда йўл қўйилаётган нуқсонларга ҳам тўхталиб ўтди. Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят, туман қўмиталари ва бошланғич ташкилотлари меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилишда доим ҳам изчиллик кўрсатаяпти дейиш қийин. Баъзи хўжаликларда янги иш жойларини ташкил этиш, кичик корхоналар очишда касаба уюшмаларининг ташаббускорлиги сезилмайди. Масалан, Уйчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида 10 та кичик корхона, цех ва устахоналар ташкил этилгану, лекин улар жамоа хўжалиги тасарруфидан чиқарилган учун ҳомаше етказиб бериш қийинлашмоқда. Айрим жойларда ўрнатилган асбоб-ускуналар ташиб кетилган. Косонсой ва Норин туманларидаги Худойбердиев номли, «Норин» жамоа хўжаликларида бу масалага етарли эътибор берилмаяпти. Чортоқ туманидаги «Дустлик» жамоа хўжалигида ишловчилар сони ўтган йилги нисбатан 131 нафарга камайган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида касаба уюшмаларининг бош вазифаларидан бири фуқаролар турмуш шароитининг пасайишига йўл қўймаслик, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Афсуски, айрим жамоа хўжаликларида талабчанлик сустлиги, ташаббускорлик етишмаслиги оқибатида молиявий аҳвол оғирлигича ва пул даромадлари пастлигича қолмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан фойда ўрнига зарар кўрилмоқда, маошлар вақтида тўланмаяпти. Натижада касаба аъзолари бошқа ташкилотларга ўтиб кетишмоқда, касаба уюшмалари бундай аҳволга бефарқлик билан қарамоқдалар. Косонсой туманидаги «Косонсой», Чуст туманидаги «Дамобод», Мингбулоқ туманидаги «Украина» жамоа хўжаликларида шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Меҳнат қонунчилигига риоя этилишида ҳам бир мунча камчиликлар мавжуд. Косонсой, Поп туманларидаги сув иншоотларини қуриш трестига қарашли механизациялашган кучма жамланмада касаба уюшма ташкилоти розилигисиз ходимларни ишдан бўшатишга йўл қўйишганлиги аниқланди. Бундай ҳолатлар юзасидан тармоқ қумитасига 23 та шикоят хати тушган. Иш юринларини қисқартиришда ҳам қонун талабларига риоя қилинмаяпти. Чуст туманидаги «Пахта толаси» акционерлик жамиятида шундай хатоликка йўл қўйилган. Албатта, ишдан бўшатишдаги гайриқонунийлик ҳоллар учун биринчи навбатда ташкилот раҳбари жавоб беради, лекин бу масалада касаба уюшма қумиталари ҳам масъулдир.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қумитасининг раиси Мирзарахматов, Норин туманидаги «Галаба» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А. Кучимов, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгиқўрғон туман қумитасининг раиси М. Муродова, Наманган туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қумитаси раиси Юсупов, Чуст шаҳридаги 15-ҳунар-техника билим юрти директори ўринбосари Х. Сандова, Уйчи туманидаги Мўминов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Р. Исматлаев, вилоят деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси М. Мирзабоевлар сўзга чиқдилар.

Мажлисда вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Нажмиддинов нутқ сўзлади. Кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам қараб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари Самарқанд вилояти кенгаши пленумидан қайдлар

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Бу масаланинг ниҳоятда долзарблиги республикамиз Президенти ва унинг раҳбарлигидаги ҳукумат томонидан доимий эътибор бериб келинаётганлигида ҳам яққол намоён бўлиб турибди.

Ҳозирги кунда бу борада мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, вилоятда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг дастлабки босқичи амалга оширилди. Яъни савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ниҳоясига етказилди. Мазкур тармоқларда 3 мингдан зиёд корхона ва ташкилотлар мулкчилик шаклини ўзгартирди. Айни пайтда эса мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг иккинчи босқичи давом этаётир. Бу халқ ҳужалигининг турли тармоқларидаги ўрта ва йирик корхоналарни ўз ичига олади.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида Республика Президенти Ислом Каримов ўз маърузасида асосий эътиборни қишлоқ хаётига қаратди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда вилоят қишлоқларидаги аҳвол анчагина тузга қириб қолганди. Бунинг сабабини вилоят раҳбарларининг, шу соҳага мутасадди кишиларнинг қишлоққа эътибор бермаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда қишлоқлаги нодавлат корхоналар сони 5,5 мингдан ошади. Уларнинг ихтиёрида 40 минг гектардан зиёдроқ фойдаланиладиган ер майдони, 21,5 мингдан ортиқ қорамол, 33 мингта яқин майда моллар ва 1 млн.дан ортиқ парранда бор. Аммо хусусийлаштирилган бу жамоаларда мавжуд имкониятлардан тула фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Кўпгина фермалар, кичик корхоналар ўз имкониятлари даражасида иш тутишмаяпти. Кўпинча улар фаолиятлари фақат тижорат ишларигагина иборат бўлиб қолаяпти. Айримлари эса, умуман фаолият кўрсатаётгани йўқ.

Айтиш керакки, касаба уюшмалари томонидан кўрсатилаётган йўл-йўриқлардан бир қатор меҳнат жамоалари тўғри хулоса чиқарди. Жумладан, собиқ «Навруз» ҳиссадорлик савдо ишлаб чиқариш фаолиятидан ажралиб чиққан «Истиқлол» жамоа корхонасида хизмат савияси анча яхшиланди. Бу ерда мулкчиликнинг янги шаклига ўтилганидан сўнг, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўплаб турлари пайдо бўлди. Харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти юксалди. Маҳсулотлар нархи бошқа дуконлардагига нисбатан анча арзонлашди. Бундай ижобий фаолиятга эришишнинг сабаби, сарф ҳаражатларнинг камайтирилиши, устама савдо баҳосининг ошириб юборилмаганлигидадир. Собиқ биринчи ятелье урнида вужудга келган «Нонорама» жамоа корхонаси, вилоят газлаштириш бошқармасига қарашли автосарой, «Азамат», «Оро», «Малика» хусусий дорихоналари фаолияти ҳақида ҳам ана шундай ижобий фикрлар айтиш мумкин.

«Самарқандмармар» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти аелларнинг иш куннини бир соатга қисқартирди. «Нафис» ҳиссадорлик жамияти эса кам таъминланган 360 та оилага мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келаяпти. Булунгур туманидаги «Ипак йўли» ширкатлар уюшмаси ижтимоий тараққиёт учун 2 млн. 554 минг сўм маблағ ажратди.

Яқинда бўлиб ўтган касаба уюшмаларининг вилоят кенгаши пленумида маърузачи — кенгаш раиси М. Боқиева ҳамда сўзга чиққанлар бу сингари ижобий ўзгаришларни таъкиллаш билан бирга, халқ ҳужалигида йўл қўйилаётган ҳато ва камчиликларни ҳам таҳлил этиб чиқдилар. Вилоятда қайта ишлаш саноатининг ўз урни бор. Аммо бу тармоқда хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. «Қишмиш», «Самарқанд консерваси» жамоа корхоналарида таъсисчиларнинг устав жамғармасидаги улуши кўрсатилмаган. Йирик корхоналардан бири «Баҳодир» ҳиссадорлик жамияти фаолияти хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бу корхонада ишчиларни хабардор этмасдан, уларнинг розилигини олмасдан 1994 йил якуни учун бериладиган мукофот пули, яъни 13 маош акциялар сотиб олишга сарфланган.

Вилоят матлубот уюшмаси, «Самарқанд» ҳудудий савдо концерни, вилоят агросаноат уюшмаси сингари бир қатор жамоаларда акциялар ва устав жамғармасининг катта миқдорига ана шу корхоналар раҳбарлари эгалик қилишган. Масалан, Ғузалкент туманидаги «Дориармон» ҳиссадорлик жамиятида мавжуд 41 акциянинг 18 тасига бошқарувчи А. Аҳмедов эга бўлиб олган. Пастдарғомдаги ҳудди шундай ҳиссадорлик жамиятида эса 13 кишига атиги 1 талан акция текан. 182 акция эса ёки устама жамғармасининг 60,6 фоизи бошқарув раиси З. Абдуллаевга насиб этибди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим иншоотлар ўз қийматидан ўнлаб баробар кам даражада сотиб юборилмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳрининг Мирзо Улугбек кўчасидаги 2 қаватли дорихонаси 58,8 минг сўм баҳоланган. Сотиб олиш қиймати эса 9283 сўм миқдорида белгиланган. Аммо дорихонанинг устав жамғармасидаги улушлар тақсимоти чоғида унинг 47 минг сўмлик қиймати таъсисчилар ўртасида тақсимлаб юборилган.

Давлат тасарруфидан чиқарилган «Самарқандчарм», «Самарқанд қурилиш материаллари комбинати», «Мусаффо», Каттақўргондаги «Пазанда» ҳиссадорлик жамиятлари каби бир қатор корхоналарда ҳам хусусийлаштириш низоми талаблари қўпол равишда бузилган.

Самарқандда маиший хизмат тармоғидаги «Ёшлик» ва «Зебо» жамоа корхоналари 200 дан зиёдроқ аъзолари таъсисчилар сафидан четда қолишган.

Вилоятдаги кўпгина раҳбарлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги қонунчилигини яхши билган ҳолда, ўз манфаатларини кўзлаб иш тутаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги кунда вилоятда 1 минг 18 сўмни ташкил этган бир пайтда 3-егочни қайта ишловчи заводда 500, «Гелион» ҳиссадорлик жамиятида эса 486 сўмдан ошмади. Хусусийлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида бир ойлик ўртача маош 468 сўмни, савдо тармоқларида эса 462 сўмни ташкил этаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Вилоятдаги хусусийлаштирилган 167 та чорвачилик фермасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш қарийб 600 тоннага, сут 8 минг тоннага, моллар сони эса 10 минг 500 бошга камайиб кетди. Шунингдек, сабзавот, картошка ва тухум ишлаб чиқариш ҳам ўтган йилга нисбатан анча камайиб кетди.

Давлат тасарруфидан чиқарилган кўпгина корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда. Оқдарё, Пастдарғом, Пахтачи туманларидаги деҳқон фермер ҳўжаликларида техника ҳавфсизлиги бўйича штатлар берилмаган. Ҳўжаликларда ишлаётганлар учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган.

Шаҳар ва туман ҳокимларида акционерлик жамиятлари ёки хусусий корхоналар уставларида маъмурият ёхуд мулкдорнинг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки шароитнинг ёмонлашувига олиб келадиган ҳолатлар бўйича мажбуриятлар бўлмасада, уларни давлат рўйхатидан ўтказиб юбормоқдалар.

Аллия бошқармаси бу тўғрида тегишли тақдимномалар юборган. Бироқ 4—5 ойдан буён ҳокимлардан тегишли жавоб олинмаяпти.

Пленумда юқоридаги камчиликлар содир бўлишида касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидаги сустқашлик, муросасозлик, қатъиятсизлик сабаб булаётгани таъкидланди. Уларнинг ҳуқуқий, ташкилий масалалардаги ожизликлари кескин танқид қилинди. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқиши билан боғлиқ ҳолда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиши, маҳаллий ҳокимликлар, маъмурий органлар билан ҳамкорликда иш олиб боришнинг барча шаклларидан фойдаланишлари, жамоа шартномаларини, битимлар тузишда меҳнат аҳли манфаатларини билан боғлиқ барча масалалар акс этишига эришишлари зарурлиги кўрсатилди. Касаба уюшмаларининг иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишдаги иштирокини таъминлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ў. АБДУРАҲИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Соҳибқирон Амир Темурнинг номигина эмас, бутун ҳаёти афсоналарга бурканган. Улар халқ юрагида яшаб, боқий хотираларга айланган.
Ана шундай эл орасида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятларни машҳур фольклорчи олим, профессор Малик Муродов тўплаб, азиз ўқувчиларимизга етказиш ниятида таҳририятимизга тақдим этдилар.

СОҲИБҚИРОННИНГ НИГОҲИ

Амир Темурнинг кўзлари жуда ўткир экан. Жанг жадал, урсурда қиличи, ўқ- ёйи иш берса, яккама-якка келганда рақибни кўзи ўлдирар экан. Шунинг учун душманлари орасида «жангу-жадалда ўқ-ёй олсин, қилич дамига учрайлигу жаҳонгирнинг кўзидан худо асрасин» деган гап-сўз юрар экан.

Соҳибқирон кўз қирини ташлаб ёнларида турган кишини эсдан оғдирсалар, тикилиб қараш билан уни ўлдириб қўйишлари ҳеч гап эмас экан. Шу боисдан, ҳеч ким- хоҳ у саркарда бўлсин, хоҳ амалдор, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса- соҳибқирончинг кўзларига тик қаролмас экан.

Бир куни шундай воқеа юз берибди: Соҳибқирон бир мамлакатга бориб, кўп сонли қўшинни енгиб, у ерни забт этибдилар. Енгилиб таслим бўлган юртнинг султони ҳам мард, жасур, қўрқмас экану, аммо қўшини ичидан хиёнатчилар чиқиб қолибди. Таслим бўлган султоннинг ҳам кўзи ўткир бўлиб, тикилганни йиқитмай қўймас экан. Яшнаб турган дарахтга қараса - уни қуритар, сувдаги балиққа тикилса - уларни жонсизлантирар экан. Хуллас, унинг кўзига унча-бунча одамзот, хайвон, жонзот чидай олмай, шу заҳоти қулаб тушар экан. Султон қилич-ей билан енголмасдан қўлга тушиб қолганига чидолмай, энди соҳибқиронни кўзининг кучи билан енгишга аҳд қилибди. Уни асир олган кишиларига қараб:

-Мени олампаноҳ Темурга рўбарў қилинглар, унга айтадиган икки-уч оғиз зарур гапим бор,- дебди.

Бу гапни соҳибқиронга етказишган экан, у :

-Олиб келинглар! - деб амр қилибди. Енгилган султонни соҳибқирон ёнига келтирибдилар. Султон Темурга шундай тикилибдики, соҳибқирон безгак тутгандай қалтирай бошлабди. Султон эса кўзини узмасдан қаттиқроқ тикилибди. Соҳибқирон баттарроқ қалтирабди. Бир оз вақт ўтгач Амир Темур ўзига келиб, кучини ва диққатини бир жойга жамлаб туриб султонга бир қараш қилибди-ки, султоннинг вужудини иссиқ ҳарорат қоплай бошлабди. Иккинчи бор нигоҳини қадаганда нафас олиши қийинлашиб, турган жойида ўтириб қолибди. Соҳибқирон учинчи қараш қилганида эса султон ақлдан озиб йиқилибди-да, ўстбоши ёна бошлабди. Шунда Соҳибқирон:

-Унинг устига челакдаб сув қуйинглар-да, ҳовузга ташланглар. Уст-боши ёнишдан тўхтаса ҳам, бадани ҳаливери совимайди,- дебдилар.

Ҳазратнинг айтганини қилишибди. Орадан икки-уч кун ўтгач, ўзига келган султон Амир Темурнинг олдига кириб:

-Мен гуноҳкор, гўрсўхтани кечиринг, Соҳибқирон. Шу кундан бошлаб ёниб кулга айланмаган жасадим ҳам, ақл-идрокиму куч-қувватим ҳам сизники. Буюринг, содиқ қулингизга айланай,-деб, Амир Темурга содиқ хизматкор бўлиб қолибди.

ЖАҲОНГИР ВА АВЛИЁЛАР

Жаҳонгир Амир Темур узоққа отланган сафарларидан бирида Туркистонга ҳам қўниб ўтибдилар. Бу Ясси қишлоғи бўлиб, унда Аҳмад Яссавий деган шоиру фозил бир киши яшаб ўтган экан. Амир Темурнинг тушида айнан шу жойда Аҳмад Яссавийга атаб мақбара қурдириш аён бўлибди. Ҳукмдор сафарни кечиктириб бўлса ҳам, шу мақбарани қурадира бошлабди. Бир кун ичида анча-мунча иш қилиниб қолганидан мамнун бўлган Амир Темур ўз қароргоҳига кириб кетибди. Эртасига эрталаб қурилиш бошига келган қурувчилар тикланган девор бузилиб ётганини қуришибди ва дарҳол Амир Темурга хабар беришибди. Жаҳонгир қурилишга келиб, уни вайрон бўлиб ётганини кўрибди.

Нега бундай бўлганини ҳеч ким айтиб беролмабди. Ҳукмдорнинг буйруғи билан бино ишлари тикланиб, қурилиш жадал суръатлар билан давом эттирилибди. Кеч бўлиб, қоронғу тушгач, ҳамма тарқалиб ўз чодирларига кириб кетибди. Эртасига эрталаб қурилиш тепасига келган қурувчилар мақбара яна бузилиб вайрон ҳолда ётганини кўриб хайрон бўлишибди. Яна Амир Темурга хабар беришибди. Етиб келган ҳукмдор вайронани кўргач: «Қилган ишим яраттанга маъқул тушмадимикин?» деб хайрон бўлибди. Кейин, «Қани, бугун ҳам ишлайлик-чи, эртага нима бўларкин?», деб уйлаб, қурилишни бошлаб юборишни амр қилибди. Ҳамма ишга киришиб, бинони қутара бошлабди. Кеч бўлиб, қоронғу тушгач ҳамма яна ўз чодирига қараб кетибди. Эртасига келиб қарашса, бино яна бузилиб ётган эмиш. Шунда Темур:

-Ишни давом эттиринглар, тунда эса беш-ун кишини қоровул қилиб қўйинглар,-деб буюрибди.

Кеч бўлиб, қоронғу тушгач, ҳамма ўтов-ўтовига тарқалибди. Қолган қоровуллар мижжа қоқмай ўтиришса, ярим тунда бир баҳайбат ҳўкиз келиб қурилишни буза бошлабди. Қоровуллар «Энди нима буларкин», деб пойлаб туришса, ғойибдан: «Аҳмад Яссавий жиянлари Занги ота туғилган чоғда: «Жияним Занги отага мендан аввал мақбара қурингланг», деб васият қилганлар» деган овоз келибди.

Қоровулларнинг бошлиги Амир Темурнинг ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтиб берибди. Жаҳонгир: «Эй, гап бу ёқда экан-да», деб Аҳмад Яссавий мақбарасини тўхтатиб, Занги отага мақбара қуридиришни бошлаб юборибди. Туркистоннинг ўртасидан то Занги ота мақбарасигача бўлган олис йўлда одамлар саф тортишиб, ғиштларни қўлма-қўл узатишибди. Занги отага аталган олижаноб мақбаранинг қурилиши тугагач, Аҳмад Яссавий мақбарасининг қурилиши бошланибди. Ҳар иккала мақбара битиб, қўнғли тинчиган Амир Темур авваллари мўлжаллаб қўйган сафарига отланибди. Шу-шу жаҳонгир қачон сафар қилмоқчи бўлса, Туркистонга бориб Шайх Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат айлар, у ерда бир тун тунаб, Занги ота мақбарасини зиёрат қилиб, сўнг йўлга чиқар экан.

ИККИ ЖАҲОНГИР

...Соҳибқирон Амир Темур қаттиқ жанг жадалдан кейин Боязид Йилдиримни енгибди. Бир пайт Темур саркардалари унинг ҳузурига маглуб бўлган рақиби Йилдиримни олиб келибдилар. Соҳибқирон унга узоқ тикилиб турибди-да, бирдан қаҳқаҳ отиб кула бошлабди. Бундан ғазабланган магрур Боязид:

-Соҳибқирон, сен ҳам турк уғлонисан, мен ҳам турк уғлониман. Сен ҳам жаҳонгирсан, мен ҳам жаҳонгирман. Сен ҳам саркарда, мен ҳам саркарда. Ҳозирча сен ғолиб чиқдинг, мен маглуб бўлдим. Устимдан кулишни бас қил-да, тезроқ бошимни танамдан жудо қил!- дея ҳайқирибди. Саркарда Амир Темур магрур султон Йилдирим Боязиднинг сўзларидан ниҳоятда таъсирланиб, кулишдан тўхтабди-да:

-Мен асло сенинг ҳолингни кўриб, устингдан кулаётганим йўқ... Аллоҳнинг қудрати-ю дунёнинг қизиқлигидан ҳайратга тушаяпман холос. Мен бу улкан дунё сен каби кўру мен каби бир чулоққа тегканидан кулаяпман,- деб жавоб берибди.

1996 — Амир Темур йили



Маданият хабарлари

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

ЖИЗЗАХ шаҳрида 1992 йилдан буён атоқли давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли ёзувчи Шароф Рашидов ёдгорлик музейи фаолият кўрсатмоқда. Ундаги экспонатлар сони 2500 дан ошиб кетди. Қутлуғ даргоҳ янги-янги топилмалар билан бойиб бормоқда.

Яқинда Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Гайратжон Носиров музейга нодир совға ҳадя этди. Бу Шароф Рашидовнинг сўнгги ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи видеотасмадир. Унинг биринчи томошабинлари Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов номли 10-мактаб ўқувчилари бўлдилар.

— Шароф Рашидовнинг сўнгги ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу видеотасма ноёб топилма сифатида музей экспонатлари қаторидан ўрин олганидан хурсандмиз, — дейди жиззахлик хизматчи Исмоил Миталов биз билан суҳбатда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

«Маҳалла» жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими «Маънавият ва маърифат маркази» билан ҳамкорликда Қарши шаҳридаги «Беклар», «Самарқанд» маҳалларида «Гиёҳвандлик — иллат» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Унда олимлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, ижодкор ва санъаткорлар қатнашдилар. Бундай учрашувларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш кўзда тутилган.

М. КЕНГБОЕВ.

«САОДАТ» БОҒИ

Узбекистон хотин-қизларининг севимли журнали «Саодат»нинг 70 йиллиги муносабати билан Фарғона туманидаги Водил қишлоғида ана шу номдаги боғ ташкил этилди.

Шу муносабат билан бўлган маросимга Узбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбархон Ғуломова, журнал бош муҳаррири, шоира Ойдин Ҳожиева, кўплаб меҳмонлар ҳамда вилоятдаги Саодат исмли аёллар ташриф буюрдилар.

Фарғона вилояти ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати М. Исломов маросимни очар экан, бу боғ барча саодатли аёлларнинг севимли маскани,мушоира боғи бўлиб қолажагини таъкидлади. Сузга чиққан бошқа нотиқлар ҳам Фарғона аёллари шаънига узларининг дил сўзларини, самимий истакларини изҳор этдилар.

Мушоира, ўйин-кулги, дилхушлик давраси анчагача давом этди.

С. МАҲМУДОВА.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Менинг 1994 йилда туғилган фарзандим бор. Оилавий шароитим оғир бўлгани сабабли болам 2 ёшга тўлмасдан мактабга ишга чиқдим. Аммо, менга болам 2 ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақани тўлашмаяпти.

Наташа ЭРКАЕВА,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

Бола 2 ёшга тўлгунча қараб турганлик учун тўланадиган нафақа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Молия Вазирлиги томонидан 1994 йил август ойида қабул қилинган 85-сонли Низомга асосан тайинланади ва тўланади. Бу Низомга кўра нафақа она ишлаётганидан қатъи назар тўланиши шарт.

1937 йилда туғилганман. 1965 йилдан 1974 йилгача мактабда ўқитувчи, 1974 йилдан 1982 йилгача илмий мудир, 1982 йилдан 1995 йилгача эса мактабда директор бўлиб ишладим ва бу даврда 8 — 12 соат дарс ҳам берганман. Менга имтиёзли пенсия тайинлашларини сураб ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсам рад этишди, шу тўғрими?

Шомурод ИЛАШЕВ,
Навоий вилояти, Хатирчи тумани.

Амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга асосан, ўқитувчиларга ва бошқа маориф ходимларига махсус иш стажлари 25 йил бўлган тақдирда эркакларга 55 ёшдан, аёлларга 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинланади. Қонунда мактаб директорларига имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Агар мактаб директорлари бир вақтнинг ўзида тўлиқ ставкада дарс бериб, ўқитувчилик қилган бўлсалар, унда уларга ҳам ўқитувчи сифатида имтиёзли пенсия тайинлаш мумкин. Аризангизнинг мазмунига қараганда Сиз 17 йил ўқитувчи ва илмий мудир, 13 йил мактаб директори бўлиб ишлагансиз. Сиз талаб этиладиган 25 йил махсус иш стажига эга эмас экансиз. Шунга кўра, Сизга имтиёзли пенсия тайинлаш рад этилган. Имтиёзли пенсиялар эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 1, 2 ва 3-руйхатларда кўрсатилган касблар ва лавозимларга қатъий амал қилган ҳолда тайинланади.

1936 йилда туғилганман. 1952 йилдан 1955 йилгача ҳисобчи, 1955 йилдан 1982 йилгача мактабда ўқитувчи ва директор ўринбосари бўлиб ишладим. 1982 йилдан 1987 йилгача 1, 2-гуруҳ ногирони бўлиб, ишлай олмадим. 1987 йилдан эса 3-гуруҳ ногиронлигига ўтказишди ва яна 1994 йилгача ишладим. Ҳозир қарилик пенсиясидаман. Менинг 1982 йилдан 1987 йилгача ишламаган даврим иш стажига қўшиладими?

Исмоил ЮСУПОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани.

Амалдаги пенсия қонунига асосан касб касаллиги ва меҳнатда жароҳатланганлик туфайли 1, 2-гуруҳ ногиронларининг ишламаган даврлари пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Мен 1954 йилдан 1993 йилгача оддий ўқитувчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиқдим. 1947 йилдан 1954 йилгача жамоа хўжалигида ишлаганман. Бу тўғридаги маълумотномани ижтимоий таъминот бўлимига олиб борсам инобатга олишмади. Шу масалада ёрдам берсангиз.

Нурмамат ТУРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

Нурмамат ака! Сизга 39 йиллик иш стажи билан пенсия тайинланган экан. Жамоа хўжалигидаги иш стажингиз тўғрисидаги маълумотнома ҳужжатларга асосан расмийлаштириб берилган бўлса, инобатга олиниши керак. Бу масалада ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этиб тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Мен 2-гуруҳ ногирониман. Ёшим 36 да. Ёлғиз ўзим яшайман. Олаётган нафақам ҳозирги кунда етмаяпти. Менга моддий ёрдам кўрсатишларини сураб қишлоқ кенгашига мурожаат этсам, якка-ёлғизларга ёрдам берилмайди деб рад этишди. Шу моддий ёрдам пулини ҳам 1 йилгача бериш мумкинми?

Розия ХУДОЙҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил Фармонига асосан кам таъминланган оилаларга маҳалла қўмиталари, қишлоқ кенгашларининг қарорига асосан моддий ёрдам кўрсатилади. Моддий ёрдам пули уша вақтдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 баробари миқдоридан 3 баробар миқдоригача 3 ой муддатга белгиланади. Агар 3 ой муддатда бу оиланинг турмуш шароити яхшиланмаса бу муддат яна 3 ойга узайтирилиши мумкин. Сизга моддий ёрдам кўрсатишларини сураб қишлоқ кенгашига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Улар Сизнинг турмуш шароитингизга қараб моддий ёрдам ажратиш масаласини кўриб чиқиб ҳал қилишади.

Углим Ҳикматилла Жумаев 1979 йилда туғилган. Болаликдан ногирон фарзандим учун 16 ёшга тўлгунча ногиронлик нафақасини олиб келдим. 1995 йилда 16 ёшга тўлгандан сўнг тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) унга 3-гуруҳ ногиронлигини белгиланди. 3-гуруҳ ногирони бўлгани учун углимга пенсия тайинланмади. Ёрдам берсангиз. Углим пенсия олиш ҳуқуқига эгами?

Шукрулло ЖУМАЕВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга асосан меҳнат стажига эга бўлмаган 3-гуруҳ ногиронларга пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Қонунда ногиронлик пенсияси тайинлаш учун маълум ёшда ёшга нисбатан иш стажи талаб қилинади. Масалан: 23 ёшгача 2 йил, 23 ёшдан 26 ёшгача эса 3 йиллик иш стажи талаб қилинади. Аммо, 20 ёшгача эса умумий касаллик иш даврида ёки ишлаш тўхтатилгандан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади. Шунга кўра, агар Сизнинг ўғлингиз бирор ишга ёки ўқишнинг кундузги бўлимига жойлашса, унга ногиронлик пенсияси тайинлаш мумкин бўлади. Бунинг учун иш жойидан ёки ўқиш жойидан ижтимоий таъминот бўлимига маълумотнома топширишингиз керак.

1928 йилда туғилганман. 8 ёшимдан чўпон бўлиб ишлаб, 39 йиллик иш стажи билан пенсияга чиқдим. Аммо, 1941 — 45 йилларда уруш давридаги иш стажим тўғрисидаги ҳужжатларим сақланмаган. Архивларда ҳам сақланмаган экан. Мен билан бирга ишлаган гувоҳларим бор. Иш стажимни тиклашга ёрдам берсаларингиз.

И. ИБРАГИМОВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани.

Амалдаги қонунга асосан иш стажи сақланмаган ҳолларда архив маълумотномасига асосан иш стажини 2 ва ундан ортиқ гувоҳлар асосида тиклаш мумкин. Бунинг учун ишлаган жойингизда ва туман архивидан маълумотнома олиб 2 та бирга ишлаган гувоҳларингиз билан (уларнинг паспорти ва меҳнат дафтарчалари бўлиши керак) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишингиз керак.

Мен 25 йил мактабда фаррош бўлиб ишладим. Ёшим 45 да, 7 та фарзандим бор. Кўп болали оналарга қандай имтиёзлар мавжуд?

Кибрирё УСМОНОВА,
Фарғона вилояти, Бувайда тумани.

Амалдаги пенсия қонунига асосан 5 ва ундан ортиқ бола туғиб уларни тарбиялаган оналарга 15 йил, болалари 3 ёшга тўлгунча қараб турган даврни қўшиб ҳисоблаганда 20 йил иш стажига эга бўлганларида уларга 50 ёшга тўлгандан сўнг қарилик пенсияси тайинланади. Бундан ташқари болалари 3 ёшга тўлгунча қараб турган даврни 6 йил доирасида иш стажига қўшиб ҳисобланади ва 15 йил иш стажидан ортиқча ишланган ҳар бир тўлиқ йил учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. Сиз 50 ёшга тўлганингизда қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Мен 44 йил ўқитувчилик стажи билан пенсияга чиққанман. Уруш даврида ҳам ишлаганман. 1986 йилдан буён кўриш бўйича 1-гуруҳ ногирониман. Пенсияга чиққан давримда ўртача ойлик иш ҳақим 232 сўм эди. Менга қанча сўм миқдорида пенсия тўланиши керак?

Ўроз РАҲМАТОВ.

Ҳурматли Уроз ота! Пенсиянинг миқдори пенсионернинг ўртача ойлик иш ҳақи ва иш стажига боғлиқ бўлади. Пенсия тайинлашда пенсия тайинлаш учун тақдим этилган иш ҳақи тегишли йиллар учун белгиланган тузатувчи коэффициентларга кўпайтирилади ва ўртача ойлик иш ҳақи аниқланади. Сиз 44 йиллик иш стажига эга экансиз. Демак, Сизга ўртача ойлик иш ҳақингизни 74 фоизи миқдорида пенсия тайинланиши керак. Бундан ташқари қуриш бўйича 1-гуруҳ ногиронлигингиз учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, уруш давридаги хизматингиз учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилиши керак. (1995 йил 1 сентябрдан энг кам ойлик иш ҳақи 250 сўм қилиб белгиланган).

Турмуш ўртоғим меҳнат ногирони эди. Вафот этган. Меҳнат ногиронининг бевараси сифатида айрим хизматлардан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эгаманми?

Нара БЕЛЯЛОВА,
Шаҳрисабз шаҳри.

Меҳнат ногиронларининг бевалари алоҳида айрим хизматлардан имтиёзли равишда фойдаланишлари қонунда кўзда тутилмаган.

1928 йилда туғилганман. Уруш даврида ишлаганман. Бу тўғрида архивдан маълумотнома олиб ижтимоий таъминот бўлимига топширдим. Менга «Ғалабанинг 50 йиллиги» ва «Шуҳрат» медали берилди. Мен айрим хизматлардан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эгаманми?

Юсуфаҳмад ДЎСМАТОВ.

Уруш даврида фронт ортида меҳнат қилган шахсларга қонунда қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

— уларнинг уруш давридаги иш стажи 2 баробарига ҳисобланади;

— пенсияларига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшиб берилади;

— уруш даврида медал билан тақдирланган шахсларга шаҳар транспортларида бепул юришлари учун гувоҳнома берилади;

— коммунал ва маиший хизматлардан электр энергия, газ, сувдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг 30 фоизини чегириб тўлайдилар. Бунинг учун ижтимоий таъминот бўлими томонидан тегишли ташкилотларга маълумотнома езиб берилади.

1968 йилда туғилганман. 8 йиллик меҳнат стажига эгаман. 2 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ташлаб кетган. Болаларимга алимент ҳам олмайман. Иккинчи фарзандим 10 ойлик бўлди. Ишламаганлигим учун болаларимга нафақа ҳам олмайман. Моддий ёрдам кўрсатишни сураб Қўнғирнор фуқаролар кенгашига мурожаат этсам рад этишди. Мен қаерга мурожаат этишим керак?

Гулнам БЎРИЕВА,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани.

Амалдаги қонунга асосан ишламайдиган 2 ёшгача фарзанди бор оналарга яшаб турган жойларидаги ижтимоий таъминот бўлими томонидан 350 сўм миқдорида нафақа тайинланади ва туланади. Бундан ташқари Сизга 2 нафар фарзандингиз учун 16 ёшга тўлгунча 100 сўм миқдорида ҳар ойлик нафақа тайинланади. Бу нафақа миқдори 1996 йил 1 январдан ҳар бир болага 75 сўм, 2 нафар бола учун 150 сўм қилиб белгиланди. Бу нафақани олиш учун Сиз паспорт, болаларингизнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларининг нусхасини, турмуш ўртоғингиз билан ажралганингиз тўғрисидаги ажримнинг нусхасини ёки маҳалладан турмуш ўртоғингиз билан яшамаслигингиз ва ҳозирги пайтда яшамаслигингиз тўғрисида маълумотнома, агар меҳнат дафтарчангиз бўлса нусхасини яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этишингизни маслаҳат берамиз. Фарзандларингизга алимент ундириш масаласи суд органлари ваколатига киради. Сизларнинг оилангизга моддий ёрдам кўрсатишларини сураб яшаб турган жойингиздаги «Каттабог» қишлоқ кенгашига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин. Улар оилавий шароитингизга қараб моддий ёрдам кўрсатиш масаласини ҳал қилишади.

Мухбир муаммо қўяди

УСТОЗЛАР ИЗЗАТДА...МИ?

Ҳар куни ишга бораётиб, қурилиши чала қолиб кетган мактаб биноси ёнидан ўтаман. Битса ажабтовур, кўркам, замонавий мактаб бўлишини ҳис қиламан. Ҳозир ярми «Коммуна» жамоа хўжалиги идорасида, ярми хароба ҳолдаги эски мактабнинг омонат хоналарида таҳсил олаётган 700 га яқин болакайга осон тутиб бўлмайди, албатта. Янги мактаб. У ҳақда кўп эшитиб-эшитадилар... Кўп ёзадилар, кўп хасрат қилдилар, кўп баҳслашдилар... Лекин ҳозирги кунда ҳаммаси тўхтагандек. Уйлов ҳам, ёз— ёз ҳам, ҳасрат ҳам, баҳслашиш ҳам... ва ... қурилиш ҳам...

Мактаб илмий бўлим мудири Замира Икромова билан яқиндагина бўлган суҳбат ёдимда.

— Эй, синглим — нимасини айтасиз. 1995 йил сентябрь ойининг маошини 15 декабргача 100 сўм, 200 сўмдан майдалаб олдик. Авваллари ҳам бир нави экан...

— Ўқитувчиларнинг рўзғори, тирикчилиги нима бўлади?

— Ҳамма гап шунда-да. Ўқитувчиларимиз бир-бири билан «бугун маош бўларканми?» деб саломлашишади. Айниқса, рўзғорини бир ўзи тебратадиган 3-4 болали ёлғиз оналарга қийин бўлди. Феълимни биласиз, касбидан чалғиган, тижорат билан шуғулланган, бозорда ейма ейиб ўтирадиган педагогни ёқтирмайман. Лекин ишонсангиз, дарс жадвалини туман қишлоқларидаги бозор кунларини ҳисобга олиб тузадиган бўлиб қолдим.

— Қанақасига?

— Олтинкўлнинг Қуштепа қишлоғида пайшанба, Оқтепасида шанба, Мадиярчекда душанба кунлари бозор бўлади. Қуқонга, Қорасувга қатнайдиганлар ҳам бор. Иложи борича тижорат билан шуғулланаётган ҳамкасбларга бозорга бориш имконини яратишга ҳаракат-да бу.

— Ахир ҳафтадаги бўш кун ўқитувчининг билим савиясини ошириши, ўз устида ишлаши, изланиши учун эмасми?!

...

Масалани туман халқ таълими бўлими олдига қатъийроқ қилиб қўйиш мумкин эди-ку!

— Очиғи, айтавериб чарчадик. Тумандаги 52 та мактабда ҳам аҳвол шу. Биз-ку 15 декабрда бўлса ҳам сентябрнинг маошини олдик. Сиз туман марказидаги 1-урта мактабдан хабар олинг. Уларнинг ҳасрати бизникидан қуюқроқ.

Замира опа рост айтган эканлар. Ўқитувчилар дардларини тўкиб солишди.

— Мен Қундузхон Аминоваман. Эрим вафот этганлар. 4 фарзандим бор, иккитаси талаба. Қизим Зебо рақс мактабида ўқийди. Тошкентда. Иккита кичкинам ҳали ўқувчи. Суянганим шу — маошим. Кам олмайман. Вақтида бериб туришса, етказса бўлади. Аммо... Хартигур, муҳтожлигимни сезиб, бир-икки марта пул ажратиб беришди. Ёлғизлик қурсин, — аёл синиққина бош эгади.

— Ҳай, Қундузхон, ўксинманг. Бундоқ ўйласак икки — уч ойлик маошимиз тўпланиб турибди. Демак, 4 минг — 5 минг сўм жамғармаси борлардан эканмиз. Лоп этиб пул бериб қолишса, сизу мендан бойи бўлмайди, айланай, — ҳазиломуз таскин беради Фотимахон исмли опа.

Суҳбатларга, ҳолатларга изоҳ сўраб, илмий бўлим мудири Сирожиддин Мирзаевга қарайман.

— Қундузхон опадан ташқари Хадича Қодирова, Гулузра Пулатова, Зулфия Назарова... Хуллас, ҳаммамизга ҳам осон эмас. Мана, декабрь охирлаб бораяпти. Кеча октябрь учун 100 сўмдан аванс беришди. Айрим ўқитувчилар нақд пул керак деб чек олмагани сабабли мудиримиз сентябрь учун қолган пулини бермаганлар, дебдилар. Буни қандай тушуниш керак? Мени бошқа нарса кўпроқ қийнайди. Бировга илм ўргатиш эзгу, ҳайрли, машаққатли иш. Ўқитувчиларимизнинг эътиқодига шикаст етмаса, деб қўрқаман. Мана, Хурсандбек Шерматов исмли ўткир бир математик ҳамкасбимиз ариза билан бушаб кетди. Тижорат билан шуғулланаяпти. Серфарзанд рўзғорнинг бошлиғи бўлгани учун шунга мажбур бўлди, чоғи.

Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари сессиясида мактаб ва маорифга эътибор — тараққиёт ва эртанги кунимизга эътибор эканлиги ҳақида куйиниб сўзлаганди. Бу аслида икки вилоятдагина эмас, балки бутун республикадаги мутасаддиларга тегишлидир. Олтинкўл тумани халқ таълими бўлими бош ҳисобчисининг муовини И. Абдумажидов тақдим этган қоғозлар, рақамлар, далиллар билан танишгач, бошқа мактабларда ҳам аҳвол яхши эмаслиги ойдинлашди. Мен кўрган жойлар-ку марказга яқин. Олис қишлоқдагилар нима қилишаяпти экан?

— Ҳисобчи ва газначининг куни молия ва банкда қолди деяверинг. Ҳар куни киramиз. Хабар оламиз. Тортишамиз. Фойдаси кам, — дейди И. Абдумажидов.

— Очиқроқ гапирсангиз.

— Мана, 9 ноябрда бизнинг ҳисоб рақамимизга 4 миллион сўм тушган. Шу пулни 13 ноябрдан 30 декабргача 100 минг 200 мингдан бўлиб-бўлиб олдик. 432 минг сўми декабрга ўтиб кетди. Бунисига нима дейсиз? Кунда ёки кунора банкка югуриб, хунибийрон бўлишимиз фақат ўзимизга аён. Ариза билан келган муҳтож ўқитувчиларга имкон қадар ёрдам бераяпмиз. Баъзи бир ўринсиз таъналарга ҳам чидашга тўғри келади.

Одатда халқ таълими бўлимидан маош пулларини мактаб директорлари олиб бориб тарқатишади. 52 та жамоа раҳбарининг кунда ёки кунора марказга қатнашини тасаввур қилинг. Директорнинг мактабда ҳам юмуши оз эмас-ку. Узлаштириш, давомат, очиқ дарслар, турфа тадбирлар... Булар билан қачон шуғулланади? Мактабда асосий масала маош эмас-ку, ахир!

— Тўғри, биз халқ таълими бўлимидан анча қарздормиз, — дейди туман молия бўлими бош ҳисобчиси Ҳафизахон Ҳамдамова, — аслида туманимизнинг ўзидан келадиган тушум оз. Биттагина трикотаж фабрикамиз бор. У ҳам «Во хасрато» деб зўрга фаолият юритаяпти. Яхшиям, эҳтиёжимизнинг 60 фоизи миқдорида, яъни 27 миллион сўм дотация оламиз. Шу кунгача дотациянинг 17 миллионини олиб бўлдик. Худо хоҳласа, ҳадемай қарзларимизни тўла узамиз.

— Агар буни қарз дейдиган бўлсак, халқ таълими бўлимидан қанча қарзингиз бор?

— Ўқитувчиларнинг маошидан 10 миллионга яқин. Бошлигимиз Исроилжон Муллажонов бу ишга жиддий қарайди. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: маош учун 9. XI да 4 миллион, 28. XIда 50 минг, 4. XII да 500 минг, 12.XII. да 1 миллион сўм сўраганмиз. Янги йилгача ҳали саккиз кун бор. Тушум бўлиши билан ўтказамиз.

— Қизиқ, молия бўлимида шундай ҳам 19 кун кечиккан сентябрь ойининг маоши туман деҳқончилик саноат банкида яна 22 кун қолиб кетган. Сабабини сўрасангиз, аниқ жавоб йўқ. Мана, банк мудири Султонбой Абдуллаев ҳузуридаман.

— Кечикиб бўлса ҳам бериб турибмиз-ку, — ташрифимни ёқтирмайгина жавоб беради у.

— Бизни кўпроқ нима сабабдан банкдаги бор пулнинг кечикиб тўлангани қизиқтиради...

— Мана буни ўқинг. Телеграмма. «Банкдаги нақд пуллар аввал нафақахўрларга, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларига берилсин» деб ёзиб қўйилган.

— Бу айнан биз ўрганаётган соҳага тааллуқли экан-ку?

— Шундай, аввал нафақахўрларга бердик, кейин маорифга.

— Тегишли ҳужжатларни кўрсак бўладими?

— Мен фақат молия кредит соҳаси мутахассисларигагина ҳужжат курсатаман.

Мана сизга мутасадди раҳбарнинг жавоби! С. Абдуллаев ўзини оқлаш учун шундай деяётганини сезиб турардим. Чунки тумандаги отахон ва онахоналарнинг аксарияти 2-2,5 ойлаб нафақа пулларини ололмай сарсон бўлишаётгани кўпчиликка сир эмас-ку?

Ҳамма мулоҳазаларимни жамлаб, туман халқ таълими касаба уюшма қўмитаси раиси Донохон Аҳмедова олдига кирдим.

Балки ўқитувчиларнинг кўнглини кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилаётгандир.

Касаба қўмитасининг режалари билан танишдик. Янги иш фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчиларни бир- пиёла чой устида байрам билан табриклаб, давра суҳбати уюштиришмоқчи экан. Яна тумандаги ҳар бир ўқитувчининг ҳеч бўлмаса биттадан боласига янги йил совғаси улашишни мўлжаллашибди, аммо маблағ йўқлиги туфайли имкон топиша олмайди.

Тавба, мактабда, ҳисобхонада, молия ва банкда, касабақумда барида маблағ ҳасрати. Бу муаммонинг ечими қайда?

«Маънавиятга эътибор бермай туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди». Юртбошимиз тез-тез такрорлайдиган бу фикр бугун ҳар қачонгидан теран аҳамият касб этажагини англайман ва жойлардаги мутасаддиларнинг лоқайдлигидан қуюнаман. Олтинкўл мен учун азиз гўша. Қадрдон Ватан. Бу маскандаги ҳар бир янги ўзгариш қувончим. Ҳар бир муаммо, нуқсон — дардим.

Шу ерда бир ўйимни айтай. Иш юзасидан туманларга кўп чиқаман. Орадан беш-олти ой ўтказиб қайта борсам, қандайдир ўзгариш — ё бозор, ё бирор саноат корхонаси, ё янги мактаб қурилишини кўриб қувонаман. Анча ўзгарибди, деб қўяман. Назаримда, кейинги тўрт-беш йилда Олтинкўл ўзгаришсиз яшади. Тоши, гишти, ариги, дўкони, бекати — бари ўша-ўша. Иқтисодий ислоҳотларни ҳужа кўрсинга ўтказишдан ҳеч кимга наф йўқ. Халқнинг саломатлиги, маънавий юксаклигини таъминлаш учун аввало тащаббускорлик ва жонкуярлик зарур. Моддий ва маънавий жиҳатдан эът

ОСМОН ЙЎЛЛАРИДАН КЕЛАР СЕВГИМИЗ...

СЕВГИ ҲАҚИДА ЭРКИН, ОҚ ШЕЪР

Армонлардан бичилган юрагим, нигоҳ ипида тикилган қалбим — ногоҳ шитирлаган туннинг япроғи. Мен сенинг амрингга қулоқ тутдим. Биламан, сен уни севасан. Куясан, куясан, қалби куюгим, орзуларинг қадар суясан. Мен эса сени севаман.

Икковлон севгилингни интиқ кутамиз, зор бўлиб кутамиз. Сукунатнинг оппоқ куксига унинг сувратини чизиб йиғлаймиз. Ҳа, юрагим, икковимиз ҳам севамиз. Мен сени, сен эса уни!

Ҳаётнинг темир исканжасида қолган юрагим, унинг оқимида оққан — оқила юрагим: кел, дардимиз бир экан, бирга йиғлаймиз. Сунъ — бу яратувчининг исми, унинг кўзларига ботиб йиғлаймиз. Кел, юрагим, гамбода ичамиз унинг кўзидан... Гамбода, гамбода! Муҳаббатга чўкиб уламиз, юр!

Куп куюнма, йиглама, узимнинг юраккинам, кел! Мен сенинг бўламан, сен эса менинг! Сенда вужуд йўқдир менсиз. Менда эса юрак йўқ сенсиз!

Кел, юрагим, бирга кутамиз. Осмонлардан сўроқлаб уни, Сомон йўлларидан кутамиз уни.

Сомон йўлларидан келар севгимиз!

Дилбар ТУРҒУНОВА, ТошДУ журналистика факультети толибаси.

ОММАБОП РИСОЛА

Қулингизда Сизни ўзига жалб қиладиган суратли, рангли китоб бўлса, уни роҳат қилиб ўқишингиз, ўрганишингиз табиий. Шу маънода олдий китобхон сифатида Марказий Осиё минтақасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган безакли рисолани катта қониқиш билан ўқиб чиқдим.

Рисолада Марказий Осиё минтақасидаги демографик жараёнлар, об-ҳавонинг ўзига хос хусусиятлари, стимологик ҳолат ва ноёб ёдгорликлар, ер-сув муаммолари ҳамда, энг муҳими, Орол ва Оролбўйининг бугунги экологик вазияти тарихий, фалсафий, жўғрофий-биологик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Уни варақлаган киши минтақанинг ҳар бир бурчагидаги ўзига хос вазиятдан бохабар бўлади.

Таниқли олим, ёзувчи, Орол ва Оролбўйини қутқазиш қўмитаси раиси Пирмат Шермуҳамедов рисолага ёзган сўзбошида шундай дейди: «Марказий Осиё давлатлари Президентлари ўзларининг сиёсий имкониятларини бирлаштириб, Орол ва Оролбўйини қутқазиш учун аниқ тадбирлар белгиламоқдалар».

Дарҳақиқат, бу муаммо сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳамда техникавий жиҳатдан ҳал қилингандагина кутилган натижани бериши мумкин. Шу йил сентябрь ойида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган Халқаро Конференцияда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Орол ва Оролбўйи хусусида қатъий бир қарорга келишди: барча чора-тадбирлар бу ердаги экологик ҳолатни яхшилаш, инсон саломатлигини узайтиришга қаратилиши керак.

Китоб-рисола Конрад Аденауэр номли жамғарма, Марказий Осиё минтақасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Халқаро қўмитаси ҳамда БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ҳамкорлигида чоп қилинган. Ушбу нашр тайёрлашда бешта давлатнинг йирик олимлари, жумладан академиклар - А.Бобоев, К.Отарбоев, профессорлар Р. Иброҳимов, Г.Толипов, Э.Чембарисов ва бошқалар қатнашганлар.

Ушбу оммабоп китоб Туркистон халқлари тилларида чоп этилса, айни муддао бўлишидан ташқари, дустлигимиз, бирлигимиз, муштарак мақсадларимизни ҳам ифода қилган бўлар эди.

Карим НОРМАТОВ, профессор.

ЎЗ ВАТАНИ БЎЛСИН АЁЛНИНГ

Ёш эдим. Наврўз баҳона ҳар йили кўкламда ҳовлимизда сумалак қайнатилар ва бу одатий ҳолга айланган эди. Сумалак қайнатилишига онамнинг яқин ўртоқлари, бувимнинг тенгқурлари, яна қўниқўшниларнинг кўнгилга яқинлари чақириларди. Хотирамда кинолентадай муҳрланиб қолган такрорланмас тасвирлар бугунгидай едимда... Қишлоқнинг сўлим, ўт-ўланлар, баҳорий чечаклар ҳиди анқиган файзли оқшоми... Машъала ёруғида «биқир-биқир» қайнаётган сумалакнинг оҳанги ҳамон тасаввуримизни безаб туради. Ушбу кечада сумалакка келганлар уйқу нималигини билишмас, уларнинг лапару ҳангомаларини, ўз ҳаётларидан айтаётган ранг-баранг ҳикояларини тинглаш эса, мендаги уйқуни ҳам қочириб юборарди. Онамнинг қойишларига қарамай, кўрпага бурканганча уларнинг эртакдайин гап-сўзларини тинглардим. Ҳар бирининг саккиз-ўнталаб боласи бор аёллар ҳам, сочлари қордай оқарган кампирлар ҳам шу маҳалда кўзимга ёшариб, аллақандай сеҳрли кўринарди. Ўз вақтида болаларча тасаввурим билан уларнинг бунчалар кўп нарсани билишларига ҳайрон қолардим...

Эсимда қолгани ва то ҳанузгача англаб етгунимча қийналганим аёлнинг Ватани ҳақидаги суҳбатлар эди.

— Ҳар ким-ки — қиздир, аёлдир, ўз ватанидан айримасин, ўртоқ, — гап бошлайди Рухсатой бувим. — Бу оқарган бош билан нималарни кўрмадик?! Уруш, отинг учгур урушда болагинам Турсунмуродим бедарак кетди... Бир куннинг ўзида икки қизим очликдан шишиб ўлди... Шу гувалак томли ватаним бўлмаганда бундай ғамни қандай кўтарардим-а?

— Тўғри, айтасиз, Рухсатой, — дейди кўзлари аланга ёруғида алланечук порлаб Ибодат момом. — Ризқу насибамиз тортиб ўзбеклар орасида яшадик, тупроғимиз шу ерга сочилди. Тожиклигим эсимдан ҳам чиқиб кетади. Укаларимникига, юртимга борсам узоқ туролмаслигимдан нолишади. Нима қилай, чолимдан ёдгорлик — шу «катагим»ни соғиниб қоламан. Бекорга ўз уйинг — улан тўшагинг дейишмаган-да, ахир.

— Сизлар-ку ували-жували кампирсизлар, орқа-олдиларинг тўла невара-чевара, менчи? — аллақандай ғамгинлик билан суҳбатга қўшилади Энақиз момо. — Мен шўрликни кимим бор суянадиган? Бировникида барибир ётиб қололмайман, томи нураб турсаям чор-деворимга талпинаман... Кимдир устимдан куладиям, бировнинг ҳолимни тушунадиям, нима илож? Тилло кўмиб қўйганмисиз, кампир, деб сураганлар ҳам бор. Бе, тилла қаёқда? Суянганим — ёлғиз ўғлим урушда ўлиб кетди, чолим унинг куйитида қазо этди. Осмон узоқ, ер қаттиқ, ишқилиб сунгги дамгача яраганнинг узи оёқ-қўлимни соғ қилсин, шу кулбаи ватанимдан айирмасин...

Муаллим ўргатган Ватан тушунчасини бу қари кампирлар нотўғри тушуниши менинг болаларча тасаввуримни тузитиб юборди-ю гапга аралашдим:

— Сизлар айтаётган Ватан — ватанмас! Муаллимимиз уни юрт, халқ, каттакон макон деб айтганлар.

Ҳаммалари яйраб кулишди, менинг эса жаҳлим чиққандан чиқади. Шунда қўшнимиз (раҳматли) Угилой кампир кула-кула:

— Ҳаҳ, уйинг бўгдойга, бағрининг бир этак болага тўлгур-а. Ҳали катта қиз бўлсанг биз яхши кўрган ватанни сенам яхши кўриб қоласан. Кампирларнинг уйи катта ватанлигини кейин тушуниб қоларсан, — деди.

Унинг гапларини бошқалари қувватлашади, узларича шу мавзуда узоқ гаплашишди... Хуллас, улар мени, мен уларнинг Ватанини тушуна олмадим.

Мана, орадан йиллар ўтди. Уша пайти юрагимга тугилган икки хил тушунчанинг маъносини бугун тушунгандекман. Ватан — муқаддас, у — бизнинг она юртимиз, киндик қонимиз тўкилган тупроқ, Ватан — ўз уйинг. Унинг жамоли эса хоҳи шоҳона бўлсин, хоҳи гувалакли — шу уйинг остонасидан бошланади.

Аёлнинг чин ватани ана шу уйига, хонадонига айлансагина мен англаган кенг маънодаги ватаннинг қадрига етмоғини жуда яхши тушунаман. Дарвоқе, оиласини қадрламаган, узининг жигаргўшасини болалар уйига топшираётган, жуфти ҳалоли бўлатуриб, хиёнат остонасига қадам қўяётганлар бу муборак тушунчани қаердан билсин?

Ана шулар ҳақида ўйларканман, қачонлардир мурғак қалбимга Ватан тушунчасини, Аёлнинг ўз уйи-жойига нисбатан меҳримни жунбушга келтирган, айни пайтда оламдан ўтиб кетган бувижоним ва тенгқур кампирларнинг суҳбатларини такрор-такрор эслайман. Зотан, уларнинг бой ҳаётий тажрибалари, фаришта мисол кечган турмушлари ҳаққи руҳларини хушнуд этмоқ ҳам қарздир.

Узоқ-узоқ, олис-олис хаёллардан сўнг яратган Қодир Эгамдан бағримда усаётган мурғаккина қизалоғимга ҳам ўз ватанини насиб этмоғини сўрайман. Илоҳим аёл зотига шу муқаддас гўшанинг қувончлари насиб этсин.

Норинисо ҚОСИМОВА.

ОНАМГА

Қоронғу куринди кўзимга дунё,
Қалбим тилқалади мунгли бир наво.
Сизга ялинаман, қилиб илтижо,
Тушларимга киринг, онажон!
Ҳорғинлик акс этган кўзингиз ҳамон —
Едимдан чиқмайди, чиқмас, онажон
Юрагимда битта илтижо-армон—
Тушларимга киринг, онажон!
Майли, юрагимга берсангиз озор,
Майли соғинчимдан дунё бўлса тор,
Ялиниб сурайман, йиғлайман зор-зор —
Тушларимга киринг, онажон!
Онасиз йўқотар қувончин ҳаёт,
Лек она қадрига етмасмиз, ҳайҳот!
Мен энди умрбод қилурман фарёд:
Тушларимга киринг, онажон!

Зулфия УСМОНОВА.

ИЗҲОР

Яна тунга ошнодир қалбим,
Яна сирдош кўкда юлдузлар.
«У ҳам бедор» пичирлар лабим,
«Шундаймикан» деб сўзлар кўзлар.
На қилайин, бемадор туйғу
Олиб қўйди халоватимни.
На қилайин, у бехабар-ку,
Айтолмасман муҳаббатимни.
Юрак — иқрор, кўнгил интизор,
Ҳаётим ҳам уники гўё.
Йўқ, қилмасман, қилолмам изҳор,
Барчасидан устундир ҳаё.
Ишқдан ҳам устун...

Нилуфар УМУРЗОҚОВА

Дил изҳори

ЎТГИНЧ

Дунё ғалати экан. Унда қувончу ташвиш, яхшилигу ёмонлик ёнма-ён келади деганлари рост.

...Бу дарду ҳасратлар, армонлар, ҳаммаси 8-синфни тугаттан кезларим пайдо бўлди. Чунки эсим кириб, ҳаётнинг илк погонасига қадам боса бошлаган эдим. Қадрли дадажон, ана шунда сизнинг мададингизга катта эҳтиёж сездим. Қувончу ташвишларимни сиз билан баҳам кўргим келди. Лекин...

Мана, энди мустақил ҳаётга йўл олиш арафасидаман. Бир инсон билан тақдиримни боғлаш, ширингина оила қуриш эзгу орзуимдир.

Дадажон, бормисиз, биз туғримизда ҳеч ўйлайсизми? Ҳар ҳолда биз тугилганимизда хурсанд бўлган бўлсангиз керак, қулингиздан қўймай суйгандирсиз ҳам. Аммо, мана, орадан 24 йил утибдики, сиздан дарак йўқ. Шуми оталик меҳри? Ахир дунёда оқибат, инсонийлик деган тушунчалар ҳам бор-ку! Онажонимга раҳмат. Улар не машаққатлар билан бизни вояга етказдилар. Ҳозир акам ҳам оилали. Мен эса...

Қиз бола турмушга чиқиш олдидан аввалам бор отасининг бағрига бош уриб, розилик сўрайди, оқ фотиҳа олади. Таомил шундай. Мен эса кимдан фотиҳа кутай, кимнинг оёғига бош уриб, розилик тилай?

Дадажон, илтимос, акамга бера олмаган меҳрингизни мендан дариғ тутманг... Кўзларим йўлингизга мунтазир... Узоқда, аммо ҳамиша сизни қумсаб юрувчи икки фарзандингиз борлигини бир қур ёдга олинг, дадажон. Мустақил ҳаёт остонасида турган қизингизга оқ фотиҳа бериш учун келинг, дадажон... Умрбод отасизликнинг заҳрини, ота меҳрини кўриш орзусини юракда туйиб келган қизингиз Н.

Сирдарё.



Ғунчалар.

ЁЗГАНИМ-ЁЗГАН

Бир ёзувчининг дустига деганлари

Кўпларни кўролмайман,
Тинчгина юролмайман.
Ёзмасам туролмайман,
Ёзганим — ёзган.
Бойиб кўрсин-чи, биров,
Устидан ёзгим дарров.
Мен учун топилар, «ов»,
Ёзганим — ёзган.
Шундай орттиргум бойлик,
Ишламай олгум «ойлик»
Гоҳ қилиб ҳотамтойлик,
Ёзганим — ёзган.
Ёзиш-ку ота мерос,
Хоҳла ўлдир, хоҳла ос.
Ярми ёлғон, ярми рост,
Ёзганим — ёзган.
Ҳеч кимса «гинг» деолмас,
Ёзувчиман, уёлмас.
Бирон кимса тиёлмас,
Ёзганим — ёзган.
Эгридир менинг йўлим,
Ёзмасам қичир қулим.
Етиб келгунча улим,
Ёзганим — ёзган.

Нуриддин ЯҲЁЕВ

Ҳақ қарор топганда

ГУРУЧНИ ОЛИБ КЕТИШОЛМАДИ

Каттагина даромад қилмоқчи бўлган Николай К.нинг режаси амалга ошмай қолди. Унинг бошқарувидаги «КамАЗ-53112» русумли «21-67 КФН» рақамли автомашинани Қарши-Керкичи йўналишидаги чегара постида тўхтатишди. Текшириб кўрилганда Николай К. қалбаки ҳужжатлар билан 10 тонна гуручни Озарбайжондаги «Аҳмад ўғли» фирмасига олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Буни қарангки, олиб чиқиб кетилаётган гуруч аслида 17 тонна экан. 7 тоннасининг ҳеч қандай ҳужжати ҳам йўқ. Фирма директори Зулфиқор М. Николайга юкни манзилга етказиб бериши учун 500 АҚШ доллари миқдорида чўтал ҳам берган экан. Ҳозир уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ГИЁҲВАНД МОДДА СОТУВЧИ УШЛАНДИ

Бели оғримай пул топиш, давру даврон суриш дардига йўлиққан киши гирромлик кўчаларига бош суқиши табиий. Жумабой М. исмли шахс айш-ишратни ҳавас билиб жиноятга қўл урди. Пировард оқибатда Қарши шаҳридаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хорижга урнатилган ёдгорлик ёнида мижозига 2 килограмм 794 грамм қорадорини 4 минг 200 АҚШ долларига пулламоқчи бўлди. Лекин зийрак Ички Ишлар Бошқармаси ходимларидан иборат тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Дастлабки суроқда оғуни Самарқанд шаҳрида яшовчи Каримжон Т. деган шахсдан олганлигини айтди. Қарши шаҳар Ички Ишлар Бўлими томонидан бу шахслар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ТОВЛАМАЧИ

Шаҳрисабзлик Каромат Э.исмли аёл содда кишиларни фирибгарлик билан лақиллатиб, шилиб кетишда катта «тажриба» туплаган экан. У Танхоз қўрғонида истиқомат қилади. Каромат ҳар турли ваъдалар билан туманнинг Саксонтепа қишлоғида яшовчи М.Нормуродовадан 500 сўм, ип-йигирув фабрикаси ишчиси А.Мажидовдан 100 сўм, автокорхона ҳайдовчиси У.Умаровдан 7800 сўм, ишчи Г.Мирзаевдан 1 дона «ДЭУ» видеомагнитафони, фуқаро М.Аҳмедовадан эса 1 жуфт олтин зирак олиб, узлаштириб келган. Унинг алдовига ишониб берган маблағларини ололмай догда юрибдилар. Лекин Кароматнинг товламачилиги узоққа бормади. Шаҳрисабз туман Ички Ишлар Бўлимида унинг устидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ў.ҲАЙДАРОВ, Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта инспектори

Ўзингизни билинг!

Муҳтарам газетхон! Бугундан бошлаб фель-атворингиз, юришturишингиз ҳаракат-интилишларингиз, атрофдагиларга муносабатингиз, оила, жамоадаги ўрнингиз ҳақида фикр юритишингиз, қисқаси узингизга четдан бир назар ташлаб, баҳо беришингиз, шу асосда хулосалар қилишингизга кўмаклашувчи синов-сўровларини эътиборингизга хавола қилиб бормоқчимиз. Ҳар бир синов сўровлари устида атрофлича мулоҳаза қилиб, жавобларни тайёрлаб қўйганингиздан кейингина уларнинг жавоблари билан таништирамиз.

«Узингни билсанг-оламни билсан» деган экан донолардан бири. Келинг, биргаликда узимизни англашга уриниб кўрайлик.

«ДЎСТ ТОПИШ ОСОНМИ?»

Қавсларда очколар сони берилган: биринчи рақам «ҳа» деган жавобни, иккинчиси «йўқ» маъносини билдиради.

1. Қачонлардир дўстингиз сизга панд берганми? (0, 10)
2. Одамларни яхши биламан деб ўйлайсизми? (10, 0)
3. Саёҳатларни хуш кўрасизми? (0, 10)
4. Кўпчилик орасида бўлишни ёқтирасизми? (10, 0)
5. Яшаётган уйингиз (кўчангиз) даги ҳамма одамларни танийсизми? (10, 0)
6. Ҳайвонлар одамларнинг энг яхши дусти деб ҳисоблайсизми? (0, 10)
7. Бошингга иш тушса — дустинг ҳам юз угиради (0, 10)
8. Дустликдан фойда келмайди. (0, 10)
9. Дустлардан кўп нарсани талаб қилиш ярамайди. (0, 10)
10. Дустинг қанча кўп булса — шунча яхши. (0,10)

Ушбу синов суровлари натижалари бўйича жавобларни газетамизнинг келаси сешанба сонида ўқийсиз. Пухта ўйлаб жавоб ҳозирланг!

МАРК ТВЕННИНГ ҒАРОЙИБ ТУШИ

Айтишларича, 1508 йилда Америка қитъасида яшаётган ацтеклар қабиласининг бош коҳини Монтесума тушида унинг юртига шохсиз кийикка ўхшаган ажабтовур маҳлуқни миниб, соқоллари усиб кетган лашкарлари билан қандайдир чавандоз кириб келаётганлигини кўради.

Бироз вақт ўтгандан кейин эса коҳиннинг башоратчи синглиси Папанцин ҳам мурақаба (транс) ҳолатига тушиб, узоқ юртлардан кемаларда ғалати либосли соқолмўйлабли сипоҳлар кириб келаётганини кўрган ва улар мамлакатга эгалик қилишини башорат қилган. Қизиғи шундаки, бу башорат кўп ўтмай амалга ошади.

Яъни, 1519 йилда Эрнандо Кортес исмли испаниялик шахс узининг лашкарлари билан ацтек империясининг Теночтитлан шаҳрини эгаллаб олади. Уларнинг эгнида башоратчи Папацининг кўзи олдига келган темирдан ясалган кийимлар, узлари эса ажабтовур маҳлуқларни минган эдилар. Бу «маҳлуқ»лар - оддий отлар эди.

Франциянинг тарихий архивларида сақланиб келаётган ҳужжатларнинг бирида ёзилишича, бир мунажжим қирол Людовик XVI гудаклигидаёқ уни «Олий ҳазратлари, 21 рақамидан сақланинг!» деб огоҳлантирган экан.

Қарангки, 1791 йили Францияда инқилоб бошланиб, қирол Париждан Вареннага қочади. Лекин 21 июнь куни ҳибсга олинган. 1792 йилнинг 21 июнида эса қирол ҳукумати тугатилиб, республика эълон қилинди. 1793 йилнинг 21 январь куни эса қирол Людовик XVI қатл этилди.

Самюэл Клеменс (унинг адабий тахаллуси Марк Твен эди) эсдаликларининг бирида ниҳоятда аниқ ва воқеавий туш кўрганлигини ёзган. Тушида укаси Генри улиб, темирдан ясалган тобутда ётган-у кўксига оппоқ гулдасталар билан биттагина қизил гул сочилган эмиш.

Бир неча кундан кейин сафарда юрган укаси чиндан ҳам «Пенсилвания» кемасида ҳалокатга учраган. Унинг дафн маросимига етиб келганида темир тобутда Генри ётганини, унинг кўксига сочилган оппоқ гуллар орасида ягона қизил гулни кўрган Марк Твен ҳаяжондан лол қолади.

Бу каби ҳужжатлар билан тасдиқланган мисоллар тарихда кўплаб учрайди. Демак, ҳар бир инсонда башорат қила олиш ҳислати борга ўхшайди.

Америкалик математик олим В.Нокс бир неча йиллар мобайнида талофатга учраган поездлар ҳақида статистик маълумотлар тўплаб, бу поездларга одатдагига қараганда йўловчилар камроқ чиққанликларини аниқлаган. Олим бу аҳволни «бебахт ҳодисадан ўзини асраш мўъжизаси» деб ифодалайди. Аслида эса, бу ботиний башоратчиликнинг ўзгинаси. Одамлар ўзи англамаган ҳолда хавфни сезиб, айнан шу рейсларга чипта олмаганлар ёки «тасодифан» кечга қолиб, поездга чиқмаганлар.

Башоратчи С.Бадалова буни шундай шарҳлайди:

-Хавотирланиш ҳисси барча йўловчиларда пайдо булган, деб ўйлайман. Лекин улардаги йўлга чиқиш иштиёқини ички бир туйғу енган. Мана шу туйғу хайвон, балиқ, қумурсқа ва хатто микробларда мавжудлиги уларни ўткир «башоратчи»ларга айлантиради.

Қуёшда вақти-вақти билан портлашлар рўй бериб, натижада нурли радиация кучайиши барчага аён. Инсоннинг нафас олиш йўлларида яшайдиган коринебактериялар бу портлашларни бир неча кун аввал сезиб, узларини сақлаб қолиш учун интенсив равишда ривожлана бошлайдилар. Натижада одамнинг оғиз, бурун, томоқ йўлларида яллигланиш пайдо бўлиб, у хасталанади.

Қамишзорларда яшайдиган қушлар инларини тикка усаётган қамиш поясига епиштириб, сувга яқин қилиб қурадилар. Баъзида улар бирданига инларини сабабсиз ташлаб, пояларнинг баландроқ қисмларига янги инлар қуя бошлайдилар. Бир оз вақт ўтгандан кейин эса қўлмакнинг сув сатҳи чиндан ҳам кўтарилиб, эски инларни боса бошлайди...

Демак, табиатда не жонзот борки, у рўй берадиган ҳар бир ҳодисани аввалдан сезиш қобилиятига эга. Инсондаги бу сезгини биз туйғу, деб атаймиз. Туйғу онгнинг, миянинг хусусияти. Микроб бактерияларида ва онг, на мия бор. У ҳолда туйғу муаммосини қандай ечиш мумкин?

Квантли физиканинг қонуни буйича овозлар узоқлашган сари вақт ва кенгликда парчаланиб, «олдинги» ва «кейинги» товушларни пайдо қилади. Аммо уларнинг барчаси энергияси сусайиб қолишига қарамай, ўша яхлит воқеанинг маълумотларини бирин-кетин етказиб беради.

Бу ҳақда башоратчилар нима дейди?

-Мен буни қуйидагидек тасаввур қиламан,-деди С.Бадалова.- Келажак бугунги кунга «аҳборот» юборади ва узининг яқинлашиб келаётганидан хабар беради. Аммо келажакнинг бу ўта сокин акс-садосини умумий маълумотлар ичидан топиб, илгаб олиш фақат жуда нозик ва тажрибали «қулоқ»ларга хосдир. Мутахассислар шундай пайтларда бор эътиборини махсус мосламаларга қаратадилар. Бу билгур шар ёки кузгу, ёхуд шамнинг тутуни бўлиши мумкин. Лекин бу мосламага фақатгина бир асбобга қарагандек қарамоқ лозим, асосий «қабул қилувчи» асбоб вужудимизнинг қайсидир қатламига жойлашган. Келажак ҳақидаги маълумот ҳар битта аъзо орқали - хоҳ у кўзлар, хоҳ қулоқлар, хоҳ нафас йўли булсин - қабул қилиниши мумкин.

Орамизда ҳисобдон одамлар кўп. Бу ҳам башоратчиликнинг бир тури. Улар ҳали арифметик ҳисоб-китобни қилишга улгурмай туриб, келажакдан тайёр жавобни олишади. Жавоб эса, уларнинг ҳар бирига турли хилда келади. Масалан, Монди ва Калбюрн исмли ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи кишиларнинг айтишларича, шу каби жавоблар уларнинг кўзи олдида худди мактаб тахтасида ёзилгандай пайдо булар экан. Иноди исмли кишига жавоб кимнингдир овози орқали келган. Урания Диамонди деган одамнинг миясида эса қора чироқ ёниб-бир рақамини, сариқ чироқ- икки, қизил-уч сонларини билдирган... Ёки ижод сирини олайлик. Ахир, илмий кашфиётларга илгариги изланишлар натижасида эришилади, деган гаплар мутлақо нотўғри-ку! Ҳар бир ҳақиқий кашфиёт аввалги нарсаларни озми-кўпми инкор этади. Бу маълумот мияга қандай ва қаердан келади? Баъзилар буни «ботиний туйғу» деб атайдилар, кимлардир эса «мияга ёғилган нур» дейдилар. Аммо яна кимдир, «бу юқоридан келган ваҳий», дейди. Қизиғи шундаки, замонавий фан илоҳий тажриба борлигини инкор қилади, лекин ўзи шундай илоҳий фикр асосида пайдо бўлиб ривожланади.

Шундай қилиб, «башорат» (агарда «башоратчилар»нинг ўзларига ишонсак)- бу келажак воқеаларини олдиндан кўра билишликнинг узгинаси эмас, балки ҳали бугунги кунда йўқ маълумотларни олиш усули ҳамдир. Қаердан? Балки, ўша келажакнинг ўзидандир...

«Труд» газетасидан.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЭГАСИ БЎЛАЙЛИК

Юртимиз узра истиқлол шабадалари эсмоқда. Мустақил Ватанимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш, республикада жиноятчиликнинг олдини олиш биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади. Бугун жиноятчиликнинг бартараф этиш ва ҳуқуқий тарбия борасидаги ишлар қандай амалга оширилаётганини билиш мақсадида Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Ички Ишлар бўлими ҳамда «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси ИИБ бошлиғи - милиция подполковниги Озод Орифбоев билан суҳбатлашдим.

— Озод ака, сиз бошчилик қилаётган бўлим фаолияти ҳақида гапириб берсангиз...

— Собир Раҳимов тумани ИИБ га қарашли «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси ИИБ Беруний маҳалласи ва асосан Талабалар шаҳарчасида фаолият юргизади. Бу шаҳарчада Мирзо Улугбек номли Тошкент Давлат Университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети, шунингдек, Тошкент Давлат маданий-оқартув техникумида таҳсил олаётган талабалар яшайди. Жами 8 минтга яқин талаба 25 та умумий ётоқхоналарда истиқомат қилади. Бўлимимиз ходимларининг асосий вазифалари ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли тартибсизлик ва жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат.

— Мазкур йилнинг ўтган ойлари якунини қандай баҳолайсиз?

— Бўлимимизда йил бошидан октябрь ойига қадар ўтган давр мобайнида жами 42 жиноят қайд этилди. Шундан 38 таси очилди. Жиноятлар асосини узгалар мулкини ўгирлаш ва безорилик ташкил этади. Рақамларга мурожаат қилайлик. 1995 йил бошидан октябрь ойига қадар ўзгалар мулкини ўгирлаш йигирма марта, безорилик ўн бора, талончилик, фирибгарлик уч мартадан ва гиёҳвандлик бир бор қайд этилди. Агар биз бу рақамларни ўтган йилгиларига солиштирсак, жиноятлар сони 1994 йилга нисбатан тенг, 1992-93 йилгиларга нисбатан икки баробар камайганлигини кўрамиз. Муҳими шундаки, жиноятчиликнинг оғир турларидан ҳисобланган талончилик ва гиёҳвандлик йилдан йилга камайиб бормоқда.

— Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Бунинг сабабларини аввало, жойлардаги милиция ходимлари ўз вазифаларини ҳалоллик билан адо этаётганларида кўрамиз. Бундан ташқари, республикамиз янги қонунларида содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари эски тузум қонунларига нисбатан қаттиқ ва муросасиздир. Албатта, бу нарса ҳам жиноятчиларни ўйлантирмай иложи йўқ.

— Ҳамма жойда ҳам жиноят бўлмаса қанийди-ку, аммо, Талабалар шаҳарчасида жиноятлар содир бўлиши яхшимас...

— Менинг шахсий фикрим шундайки, бошқа ерда бўлганда ҳам Талабалар шаҳарчасида уммаман жиноят бўлмаслиги керак. Сабаби - илм-маърифат маскани бўлган бу даргоҳда ҳар томонлама маданиятни таргибот қилувчи келажак эгалари яшайди. Ҳар бир толиб узи қилаётган ҳаттиҳаракати ҳақида жилдийроқ ўйласа бу ҳудудда умуман жиноятчилик бўлмаслиги мумкин. Бунга эришиш қийин, албатта. Талабалар ўртасида тушунтириш ишларини янада кўпроқ олиб боришгина биз истаган натижаларни беради.

— Бугунги кун ёшларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг роли беқиёсдир. Талабалар шаҳарчасида бунга қандай аҳамият берилмоқда?

— Ҳуқуқий маданиятни эгаллаган шахс табиийки, жиноятнинг тубан кучасига бош суқмайди. Бўлимимиз ходимлари вақти-вақти билан талабалар яшаётган ётоқхоналарда бўлиб, у ерда суҳбатлар утказишади. Биргина мисол. Яқинда биз ходимларимиз билан Тошкент Давлат университети журналистика ва филология факультетларида таҳсил олаётган талабалар яшайдиган 2-ётоқхонада бўлдик. У ерда ҳуқуқий давлатимиз пойдевори ҳисобланган Конституция ва янги жиноят ва маъмурий Кодекслар аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилиши тўғрисида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердик. Йигинни ташкил қилишда бизга ТошДУнинг тарбиявий ишлар бўйича проректори ва талабалар совети фаоллари яқиндан ёрдам беришди. Бундай юзма-юз мулоқотлар талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатади ва табиийки узининг фойдали натижаларини беради.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Норали ОЧИЛОВ Мирзо Улугбек номли Тошкент Давлат университети толиби.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-48-53. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Буюртма Г- 038. Босишга топширилди вақти — 19.00. Топширилди 22.00. Масъул навбатчи: Нодира РАШИДОВА.

1 2 3 4 5 6

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Узбекистон» касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти Марказий ва Тошкент вилоят кенгашлари, Митрофанов номли сув спорт саройининг собиқ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ходими

Қаҳрамон Ҳакимович НУЪМОНОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила азолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этадилар.